Газета 1997 йил 27 августдан чиқа бошлаган

1999 йил, 30 июнь, чоршанба # 26 (90)

МУСТАҚИЛЛИК

ҲУҚУҚ

ДЕМАКДИР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРОКУРАТУРАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

ҲУШЁРЛИККА ДАЪВАТ

Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги мухбирининг саволларига жавобларидан

Биз демократик жамият қурар эканмиз, мафкуравий зўравонликни рад этдик. Биз кишиларнинг сиёсий онги, дунёқарашини бошқариш эмас, балки бойитиш, юксалтириш, инсонийлик руҳида, умумжаҳоний меъёрлар асосида тарбиялаш йўлидан бордик. Жамият аъзоларининг қонун олдидаги масъулиятини ҳаётимизнинг устувор тамойиллари деб билиб, бунга қатъий амал қилишга интилдик.

Бизнинг пировард мақсадимиз-инсон ҳуқуқлари ҳар томонлама ҳимоя қилинадиган маърифатли жамият барпо этишдан иборат. Иншоллоҳ, биз бу мақсадимизга эришамиз. Чунки, бутун маърифий дунё айнан шундай қонунлар асосида яшайди ва тараққий қилади. Чунки бундай жамият аъзолари билан баҳс қилиш, мунозара юритиш, умумий тил топиш мумкин.

Яна шуни ҳам унутмаслик керакки, мафкуравий озиқнинг мезони ҳақиқат ва фақат ҳақиқат бўлиши зарур. Яъни, халққа бор ҳақиқатни очиқ айтиб, шунга кўндириш, ишончини қозониш ва шу асосда уни янги марраларга чорлаш керак.

Ҳар қайси шахс, аввало, ёш авлод қалбида жамият, эл-юрт, қўйингки, ота-она олдида масъулият уйғотиш, иймон ва ирода тушунчаларини мустаҳкамлаш ҳаётимизни янгилашнинг муҳим шартидир.

ТОШКЕНТ ШАҲАР ПРОКУРАТУРАСИДА

Тошкент шаҳар прокуратурасида навбатдаги ҳайъат йиғилиши бўлиб ўтди. Уни Тошкент шаҳар прокурорининг биринчи ўринбосари Б.Ҳақназаров олиб борди.

Кун тартибидаги биринчи масала юзасидан шаҳар прокуратураси бўлим бошлиғи С.Рўзиевнинг Республика Президентининг 1996 йил 5 мартдаги «Бозорлар фаолиятини ташкил этиш ва аҳолига хизмат кўрсатиш сифатини яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони ва ҳукумат қарорлари ижроси юзасидан Юнусобод ва Чилонзор туманларида ўтказилган текшириш натижалари ҳамда 1995 йил 12 майдаги «Халқ хўжалигида ҳисоб-китоблар ўз вақтида ўтказилиши учун корхона ва ташкилотлар раҳбарларининг масъулиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармон ижроси устидан прокурор назоратининг аҳволи ҳақидаги ахбороти тингланди.

Сўнгра Тошкент шаҳар ички ишлар идоралари томонидан валюта қимматликларини қонунга хилоф равишда олиш ва ўтказиш билан боғлиқ бўлган жиноятларни фош қилиш борасида олиб борилаётган тезкор тадбирларнинг қонунийлигини ва бу борадаги прокурорлик назорати аҳволини ўрганиш натижалари тўғрисида бўлим бошлиғи З.Ибрагимов ахборот берди. Шунингдек, ҳайъат йиғилишида шаҳар прокурорининг кадрлар билан ишлаш бўйича катта ёрдамчиси Ф.Ҳақбердиеванинг Тошкент шаҳар прокуратураси идораларида прокурор-тергов ходимларининг меҳнат ва хизмат интизомига риоя этишини текшириш натижалари юзасидан Республика Бош прокурорининг 1999 йил 15 июндаги танбеҳ хатининг муҳокамаси юзасидан ахбороти ҳам тингланди.

Ҳайъатда кўрилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

УШБУ СОНДА:

«ҲАҚИҚАТНИ АЙТИШДАН ЧЎЧИМАЙЛИК
2-4 - бетлар

МИЛЛАТНИНГ УЛКАН БОЙЛИГИ
3 - бет

ТАРҚОҚЛИККА ҚАРШИ ҲАМКОРЛИК КЕРАК
5 - бет

МАЛАКАЛИ КАДРЛАР ТАРАҚҚИЁТ ГАРОВИ
6 - бет

ҲАЖВИЯ, КРОССВОРД
8 - бет

Хабарлар

Матбуот ва Оммавий ахборот воситалари ходимлари куни муносабати билан Республика Президенти Ислом Каримов матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларига Табрик йўллади.

***

27 июн куни Тошкентнинг Улуғбек номидаги истироҳат боғида матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари ўзларининг касб байрамини кенг нишонладилар. Тантаналарда сўзга чиққан Давлат матбуот қўмитаси раиси Р.Шоғуломов, Ўзтелерадиокомпанияси раиси А.Кўчимов ва бошқалар Президентимизнинг самимий қутлови учун миннатдорчилик билдириб, йиғилганларни байрам билан қизғин табрикладилар.

Тадбир давомида Ўзбекистон оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш ва қўллаб-қувватлаш ижтимоий-сиёсий жамғармаси томонидан ўтказилган «Йилнинг энг яхши журналисти» танлови ғолибларига фахрий ёрлиқлар ва эсдалик совғалари топширилди.

***

Вазирлар Маҳкамаси «Давлатга қарашли бўлмаган мактабгача болалар муассасалари тармоғини ташкил этиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» қарор қабул қилди.

Шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг бошоқли дон экинларини навлар бўйича жойлаштиришни такомиллаштириш, уларнинг селекцияси ва уруғчилигини яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ҳам матбуотда эълон қилинди.

***

Шу ҳафтанинг душанба куни Ўзбекистон Фалсафа жамияти раёсати томонидан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг «Ҳушёрликка даъват» («Маърифат» газетаси 1999 йил 24 июнь) мавзусидаги Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги мухбири саволлари жавобларига бағишлаб давра суҳбати ташкил этилди.

Давра суҳбатида Фалсафа жамияти президенти, ЎзФА мухбир аъзоси С.Шермуҳаммедов, академик Э.Юсупов, ХДП раҳбари, профессор А.Жалоловнинг маърузалари тингланди.



- Оҳ, нақадар хушбўй бу гуллар...

Р.ЖУМАНИЁЗОВ сурати.

• «Ҳуқуқ»қа мактуб

ҲАҚИҚАТНИ АЙТИШДАН ЧЎЧИМАЙЛИК

Ёшим 63 га кириб, кексайиб қолганим сабабли мабодо, сўзларимда бирон хатоликка йўл қўйсам, мени маъзур тутгайсизлар.

Шўролар салтанати даврида миллий анъана ва қадриятларимиз оёқ ости қилиниб келинди. Яратганга шукрлар бўлсинки, Ўзбекистонимиз мустақил бўлгач, миллий қадриятларимиз тиклана бошлади. Ана шу қадриятларимиз тикланаётгани биз кекса авлод вакилларини ҳам қанчалик қувонтирмоқда. Афсуски, оёғи тагидан нарини кўрмайдиган баъзи кимсаларнинг тутаётган қалтис йўли кўпчиликни ташвишга солмоқда.

Ўзларини «Хизбут-таҳрир»чилар деб атаб, халифаликни тиклашни даъво қилаётганлар ҳам чиқиб қолдики, улар ошни иссиқ ичиб, ичак-чавоқлари куйиб қолишини ўйламаётган кимсалардир.

Бутун бир мамлакат аҳолисининг кечаю кундуз ташвишини қилаётган, миллатимиз номини дунёга танитиш учун жонини аямай, ором билмай ишлаётган юртбошимиз шаънига турли бўхтонлар ёғдираётган бундай кимсаларнинг ишлари инсофданми?

Эл-юртимиз равнақига тўсқинлик қилмоқчи бўлаётганлар юртбошимизнинг халқ олдидаги буюк хизматларини билмайдиларми?! Йўқ, буни улар биладилар. Уларнинг мақсади одамларни ва айниқса, ҳали ёш, ҳаёт қозонида қайнамаган фарзандларимизни лақиллатиб, юмшоқ амал курсисига эга бўлиш ва сўнг ўзларининг разил ниятларини амалга ошириш бўлса керак.

Надоматлар бўлсинки, улар ҳаётимиздаги вақтинчалик қийинчилик ва етишмовчиликлардан усталик билан фойдаланиб қолмоқчилар. Бу улар тарқатаётган варақалардан ҳам аён бўлиб турибди.

Ҳақиқатни айтишдан чўчимаслигимиз керак. Камчиликларимиз ва нуқсонларимиз ҳам, бунинг айбдорлари ҳам орамизда йўқ эмас. Ҳозирги кунда айрим мутаассидлар фақатгина ўз тинчлигини, ҳузур-ҳаловатнигина ўйлаб, жамият ичига дадил кириб боришдан қўрқиб, камчиликлардан кўз юмаётганлари кўпчиликни ўйлантиради. Ваҳоланки, мухолиф кучлар давлат ҳокимиятига қарши курашда ҳаётимизда учраб турган ана шу нуқсонларимизни дастак қилиб олмоқдалар.

Шу ўринда, мен бобомиз Амур Темур ҳақида эшитган бир ривоятни айтиб ўтмоқчиман: Соҳибқирон Амир Темур кўп мамлакатларни ўзига бўйсундиргач, халққа 40 кеча-кундуз зиёфат берибдилар. Ана шу зиёфат давомида ул зот

(Давоми 4-бетда).

• Долзарб мавзу

«БОШЛАГАН ИШИМИЗНИ ОХИРИГА ЕТКАЗАМИЗ»

1999 йил 18 июн куни Самарқанд вилоят прокуратурасида вилоят ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимларининг мувофиқлаштирувчи мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисга вилоят прокурорининг ўринбосари - тергов бошкармаси бошлиғи Акмал АЗЛЯРОВ раислик қилди.
Мухбиримиз мажлисдан сўнг Акмал Азляров билан учрашиб, шу масала юзасидан бир неча саволлар билан мурожаат қилди.



Мухбир: - Вилоятдаги барча маъмурий идоралар ва бошқа ташкилот раҳбарлари иштирокида бундай йиғилишнинг ўтказилишидан мақсад нима?

А. Азляров: - Бу мажлис ва унда вилоят ҳуқуқ-тартибот идоралари раҳбарлари иштирок этишининг аниқ сабаблари бор. Аввало, ўз ишимиздаги камчилик ва хатоларни биргаликда бартараф этмас эканмиз, жиноятчиликка қарши курашда кутилган натижага эришиб бўлмайди. 1999 йилнинг 5 ойи давомида вилоятда жиноятчиликнинг аҳволи ўтган йилнинг шу даврига нисбатан бироз салбий томонга ўзгарганини ҳам мана шу камчиликларнинг оқибати сифатида баҳоламоқ даркор. Масалан, умумий жиноятчилик сони 55 тага ўсиши кузатилди.

Бугунги кунда тергов аҳволи асосий кўрсатгичлар бўйича яхшиланганига қарамасдан, судлар томонидан қўшимча терговга қайтарилган ишлар сони, қонунда кўрсатилганидан ортиқ муддатда тамомланаётган жиноят ишлар сони ортган.

Жиноятчилик ва терговдаги бу салбий ҳолат вилоят прокуратураси махсус гуруҳи томонидан жойларга чиқилиб ўрганилди. Бу ҳолатнинг келиб чиқишига, асосан жойлардаги маъмурий органлар ва тегишли ташкилотлар томонидан етарли ишлар олиб борилмаганлиги, ишни тўғри ташкил этишда масъулиятсизликка йўл қўйилаётганлиги, жиноятларнинг олдини олишга қаратилган профилактик ишлар ўз ҳолига ташлаб қўйилганлиги сабаб бўлган.

Аниқланган хато ва камчиликларни муҳокама қилиш, маъмурий идоралар ва тегишли ташкилотларнинг жиноятчиликка қарши курашдаги ҳамкорлигини кучайтириш кун тартибидаги масалага айланган эди. Шу масала юзасидан келишиб олинди.

Мухбир: - Мажлисда жиноят профилактикаси ёки унинг олдини олиш, жиноятларнинг асосий қисмини содир этаётган шахсларни назоратга олиш ҳақида кўпроқ гап борди. Шу масала ҳақида тўлиқроқ изоҳ берсангиз.

А. Азляров: - Ишчи гуруҳимиз томонидан жойларда ўтказилган текширишлар шуни кўрсатмоқдаки, туман-шаҳар маъмурий идора ходимлари содир этилган жиноятларни рўйхатга олиш, жиноят иши қўзғатиб тергов қилиш, судга бериш ва жиноятчини тегишли қонуний

(Давоми 4-бетда).

• Суд залидан

ҲУКМ ЎҚИЛДИ

Суд зали лиқ тўла. Ўриндиқларни маҳаллий журналистлар ва чет эл оммавий ахборот воситалари ходимлари, хорижий мамлакатлар элчихоналарининг вакиллари, маҳаллалар фаоллари, жабрланувчилар банд этишган.

- Туринглар, суд келяпти!

Котибнинг овози йиғилганларни ҳушёр торттиради. Ҳамма ўрнидан туради. Ўзбекистон Республикаси Олий суди раисининг биринчи ўринбосари А.Полвонзода, Олий суд судьялари Р.Акбаров, Қ.Исаровлар залда ҳозир бўладилар. Раислик этувчи таржимонлар, адвокатлар ҳамда давлат айбловини қўллаётган республика Бош прокурорининг ёрдамчилари Н.Бобоев, Б.Зоҳидовларнинг иштирокида Ўзбекистон Республикаси номидан чиқарилган ҳукмни ўқийди.

Маълумки, судлов ҳайъати бу жиноий ишни очиқ суд мажлисида кўриб чиқди. Судланувчи, жабрланувчи, гувоҳларнинг кўргазмаларини эшитди. Табиийки, суд дастлабки тергов жараёнида тўпланган далилларни кўздан кечирди. Тарафларнинг музокаралари, судланувчиларнинг охирги сўзлари тингланди.

Мустақилликка эришганимиздан кейин мамлакатимизда кенг миқёсда демократик ислоҳотлар бошланди. 1992 йил 8 декабрда умуминсоний ва миллий қадриятларга, халқаро ҳуқуқ нормаларига мос келадиган Конституциямиз қабул қилинди. Бу асосий қонунимизда фуқароларга виждон эркинликларига амал қилиш учун кенг имкониятлар яратиб берилди. Аммо бу демократик жараёнлардан ўз ғараз мақсадларида фойдаланмоқчи бўлган айрим жиноий унсурлар Ислом динини ниқоб қилиб, аҳоли ўртасида миллий-диний адоват кўзғатиб, жиҳод йўли билан ҳокимиятни босиб олиш ва Ўзбекистон Республикасида конституциявий тузумни ағдариб ташлаш учун фитна уюштирганлар. Ушбу фитнанинг асосий етакчилари - диний-экстремистлар куролланган жиноий уюшма ташкил қилганлар. Жиноий уюшманинг асосий режалари жиҳод - аслида эса оммавий қирғин, қўпорувчилик, терроризм, Ўзбекистон Республикаси Президентини жисмонан йўқ қилиш йўли билан ҳокимиятни эгаллашдан иборат бўлган.

Жиноий уюшма таркибида 1992-98 йилларда судланувчилар Зокиров Козимбек, Асқаров Зайниддин, Абдураҳмонов Муҳаммад, Нуралиев Талъатбек, Алимов Орифжон, Умаров Нодирбек, Назаров Ҳотамшер, Нишонбоев Абдунаби, Мамажонов Аҳад, Турдиохунов Бахтиёр, Зокиров Ҳусанбой, Деҳқонов Зоҳиджон, Шеров Шерзод, Узоқов Каримжон, Асқаров Фозилжон, Камолов Дилшод, Маматқулов Рустам, Болтаев Оловуддин, Абдуллаев Баҳром ва Ҳасанов Зикиржонлар кўплаб ўта оғир жиноятларни содир этганлар.

Ўзларини амир деб эълон қилган жиноий уюшма раҳбарлари Фарғона водийси, Тошкент шаҳар ва бошқа вилоятларда яшовчи асосан саводсиз, ёш йигитларнинг онгини заҳарлашган. Тожикистон, Афғонистон, Чеченистонда жойлашган ҳарбий базаларга ғўр йигитларни юбориб, бу ерда ўқ отар куроллардан отиш, портловчи моддаларни тайёрлаш ва улардан фойдаланиш, террористик актларни амалга ошириш мақсадида уларни тайёргарликдан ўтказганлар. Жиноий уюшма раҳбарлари ёш йигитларни алдаб, бу қабиҳ ниятларини амалга ошириш учун уларни кўр-кўрона итоат этувчи, топшириқни сўзсиз бажарувчиларга айлантирганлар. Тошкентдаги феврал воқеаси ана шу ғаламислик, хоинлик, ватанфурушликнинг натижасидир.

Суд ҳайъати ҳар қайси далилни чуқур таҳлил этган ҳолда судланувчиларнинг ҳар бирини Жиноят кодексининг тегишли моддалари билан айбли деб топди. Жиноят кодексининг 59-моддасини қўллаб, яъни содир этган жиноятлар мажмуи асосида ҳар қайси жинояти учун алоҳида жазо турларини белгилаб, шу белгиланган жазоларни тўла ёки қисман қўшиш йўли билан жазо тайинланди.

Судланувчилардан Козимбек Зокиров, Баҳром Абдуллаев, Зикиржон Ҳасанов, Муҳаммад Абдураҳмонов, Зоҳиджон Деҳқонов, Талъатбек Нуралиев ўлим жазосига ҳукм этилди.

Рустам Маматқулов, Дилшод Камолов, Шерзод Шеров, Ҳотамшер Назаров, Орифжон Алимов, Абдунаби Нишонбоев, Ҳусанбой Зокиров, Нодирбек Умаровларнинг ҳар бири 20 йилдан муддатга, Оловуддин Болтаев 18 йил, Каримжон Узоқов ва Аҳад Мамажонов 15 йил, Зайниддин Асқаров 11 йил муддатга, Фозилжон Асқаров, Нурали Йўлдошев, Қаҳрамон Ниёзмуҳаммедов, Бахтиёр Турдиохуновларнинг ҳар бирига 10 йилдан муддатга озодликдан маҳрум этиш жазоси тайинланиб, жазони қаттиқ тартибли колонияларда ўташ белгиланди.

Ҳукм ўқилди. Жиноятчилар қилмишларига яраша жазога маҳкум этилдилар. Лекин Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 473-моддаси 4-бандида бундай дейилган: «Раислик қилувчи судланувчига ва бошқа тарафларга ҳукмнинг мазмунини, унинг устидан шикоят бериш тартиби ва муддатларини тушунтиради. Башарти судланувчи фавқулодда жазо чораси - ўлим жазосига ҳукм қилинган бўлса, унга авф этишни сўраб илтимос қилиш ҳуқуқи ҳам тушунтирилади».

Раислик этувчи худди шуни эслатиб ўтди. Ҳукмдан норози томонлар Олий суднинг раёсатига ўн кун ичида кассация тартибида шикоят этиши, авф сўраб илтимос қилиш ҳуқуқига эгалигини яна бир бор таъкидлади.

Курбон ЭШМАТОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

«Мустақиллик ҳуқуқ демакдир» танловига

МИЛЛАТНИНГ УЛКАН БОЙЛИГИ

Тил-миллатнинг руҳи, қалби. Она тилимизга 1989 йилнинг 21 октябрида давлат мақоми берилиши мустакиллик сари қўйган илк қадамларимиздан бири эди. Зеро, давлат суверенитетининг асосий тамойилларидан бири ҳам давлат тилига эга бўлишдир. Шу боис «Давлат тили тўғрисида»ги Қонуннинг муқаддимасидаёқ «Тил миллатнинг улкан бойлиги ва бебаҳо мулкидир», деб эътироф этилган. 1995 йилнинг 21 декабрида ушбу қонунга ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритилиб, унинг янги таҳрирда қабул қилиниши ўзбек тилининг янада бойиши ва ривожланиши учун кенг шароитларни яратиб берди.

Ҳалқимизнинг асрлар оша яшаб келаётган қадриятлари, урф-одатлари ва руҳиятини ифода этувчи тилимиз тарихига назар ташласак, у бизга аждодларимиз томонидан қолдирилган бебаҳо хазина, бойлик эканлигига иймон келтирамиз.

Бизга маълум бўлган манбааларнинг гувоҳлик беришича, X-XI асрларда буюк алломалар Маҳмуд Қошғарий «Девону луғотит турк», Замахшарий «Муқаддиматул адаб» асарларида туркий халқлар тилини таҳлил қилиб беришган.

Бутун оламга маърифат улашган Хўжа Аҳмад Яссавий, Алишер Навоий, Мирзо Улуғбек, Заҳириддин Муҳаммад Бобур каби улуғ аждодларимизнинг тилимиз равнақидаги хизматлари беқиёсдир.

Шеърият султони Алишер Навоийнинг ижоди кейинги даврлар учун катта аҳамиятга эга бўлиб, у ўзбек тилида гўзал ғазаллар ва достонлар яратиш билан бирга, бу тилнинг қудратини ўзининг «Муҳокаматуллуғатайн» асарида назарий жиҳатдан ҳам исботлаб берган. Кейинчалик Заҳириддин Муҳаммад Бобур машҳур «Бобурнома»да, Муқимий, Фурқат, Завқий ва бошқа алломалар ўз асарларида ўзбек адабий тилини камолотга етказдилар.

Бизнинг асримизда Абдулла Қодирий, Чўлпон, Фитрат, Абдулла Қаҳҳор, Ойбек, Зулфия, Абдулла Орипов, Эркин Воҳидов, Ўлмас Умарбеков, Ўткир Ҳошимов ва бошқа фидокор шоир ҳамда атоқли ёзувчилар ўзбек адабий тилини такомиллаштиришга, асраб-авайлашга, эъзозлашга ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшиб келдилар.

Тилнинг ривожланиши жамият ҳаёти билан бевосита боғлиқ бўлиб, ижтимоий ҳаётда рўй берган ўзгаришлар унда акс этади. Дунё халқларининг маданий ва ижтисодий алоқалари туфайли тилимиз хазинаси бойиб, ундан эскириб қолган сўзлар аста-секин чиқиб бораяпти. Бу табиий ҳол, албатта.

Тил шундай таъсирчан ва нозикки, чет сўзларни аввалига қийинчилик билан қабул қилади. Қабул қилгач, уларга сайқал беради, безайди, миллий руҳ ато этади. Ҳозир бундай четдан кирган сўзларнинг саноғи йўқ ва уларсиз тилимизни тасаввур қилиш қийин.

Ислоҳотлар шароитида янги тузилма, корхона ва идораларнинг барпо этилиши ўз навбатида тил бойлигида акс этди: Президент, Олий Мажлис, Вазирлар Маҳкамаси, Конституциявий суд, ҳўжалик суди, ҳокимлик, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи, божхона, солиқ, миллий хавфсизлик хизмати, турли жамғармалар, биржалар, тижорат банклари, ассоциация, жамият, концерн, компания, фирма, деҳқон-фермер хўжалиги, миллий институтлар шулар жумласидандир.

«Давлат тили ҳақида»ги Қонун амалга кириши билан тилимизда ишлатиб келинган кўплаб рус-европа сўзлари ва атамаларни ўзбекчалаштириш ишлари олиб борилди, бунда тилимизнинг ўзига хос хусусиятлари сақлаб қолинди: адресманзил, запас-заҳира, инвестиция-сармоя, календар-тақвим, коллегия-ҳайъат, кризис-таназзул, критерий-мезон, медицина-тиббиёт, област-вилоят, потенциал-салоҳият, протокол-баённома ва ҳоказолар шулар жумласидандир.

Бунда 1990 йилги «Ўзбек тилида иш юритиш» қўлланмаси, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги атамашунослик қўмитаси ёрдамида чиқарилган бир қанча китоб ва луғатларнинг таъсири катта бўлди.

Бироқ сўз ўгиришга шундай берилиб кетдикки, чет сўзларни ёппасига, гоҳ мазмунига, гоҳ шаклига қараб таржима қила бошладик. Уларни шу тарзда «миллийлаштириб», тилимиз мутаносиблигига путур етказиб қўяй дедик: антеннани-тўлқинтутар, автобусни-кўпкурси, самолётни-тайёра, телефоннисим қоққич, сотовий телефонни-уяли телефон деб аташ урф бўлди.

Бу каби «ижодлар» рўйхатини хоҳлаганча давом эттириш мумкин.

Менинг фикримча, чет сўзлардан ўзбекчага ўгирилиб, истеъмолга киритилган айрим сўзлар уларнинг асл маъносини тўлиқ ифода эта олмаган. Масалан, «анализ» сўзи «таҳлил» деб таржима қилинган, бироқ «анализ крови» жумласини «қон анализи» дейишга мажбурмиз.

«Контроль» ва «надзор» деган сўзлар кўпинча «назорат» деган бир сўз билан аталмоқда. Бинобарин, улар ўртасида ўхшашликдан ташқари фарқ ҳам бор. Текширув ва назорат идораларининг вазифалари тақкосланса ҳамма нарса ойдинлашади.

«Бош бошқарма» - «Главное управление» атамасининг нотўғри таржимасидир. «Божхона бош бошқармаси», «Об-ҳаво бош бошқармаси» деган атамалар товуш, талаффуз жиҳатидан ҳам айтилиши қийин. Аслида, «бошқарма» сўзи барча таркибий бўлимлар ичида асосийлиги, муҳимлиги ва энг юқори эканлигини билдиради, негаки «бошқарма» сўзи «бош» ўзагидан ясалган. Бироқ сўзма-сўз таржима қилиб, «Муҳим бошқарма» дейиш ҳам тўғри бўлмайди. Борингки, бир нечта бошқармалар ичида энг юқориси назарда тутилган бўлса, уни «юқори бошқарма» дейиш тўғрироқ бўлса керак.

Ҳали кўплаб қонунларимизда бир қатор хорижий сўзлар ва атамалар мавжудки, уларнинг айримларини тушуниш қийин. Улар адабий тилни безайди, деб айта олмаймиз. Хусусан, Фуқаролик кодексида ишлатилган «оператив бошқариш», «национализация», «реквизиция», муниципал, солидар, неустойка, пеня, сумма, ипотека, Меҳнат кодексидаги компенсация, прогул, смена каби рус-европа сўзларининг ўзбек тилидаги таржимасини топиш мушкул эмас. Масалан, «пул суммаси» ўрнига «пули» ёки «қиймати» деган сўз қолдирилса, маъно ўзгармайди. Кодексда неустойканинг жарима ва пеня кўринишларида бўлишлиги белгиланган. Асосий фарқи-жарима қатъий белгиланган, пеня эса-фоизли, ўсувчан пул қийматларида ундирилади. Демак, неустойка-пулли жарима маъносига яқинроқдир.

Национализация мулкнинг давлат ихтиёрига ўтишини билдирса, буни шундай қолдириш маъқул кўринади, негаки, «миллийлаштириш» деган ибора ҳам бу сўзнинг маъносини тўғри ифода этиб бера олмайди.

Буюк алломалар, донишмандлар қолдирган ҳикматли сўзлар, панду насиҳатлар тилимизнинг бойлиги ҳисобланади: «Куч адолатда», «Қонун ҳукмрон бўлган жойда эркинлик ҳам бўлади» (Амир Темур), «Тилга ихтиёрсиз - элга эътибор-сиз» (А. Навоий). «Юринг, дўст-лар, халқ ичига борайлик!» (Чўлпон)...

Бугун юртбошимиз Ислом Каримовнинг сўзлари халқимиз томонидан эъзозланиб, ҳикматли сўзлар хазинасидан ўрин олмоқда: «Миллатни асраш керак, миллатни асраш учун унинг ҳақиқий тарихини ўрганиш, авайлаш, ҳимоялаш керак»; «Шу азиз Ватан барчамизники, унинг фаровон келажаги ва иқболи учун яшаш, курашиш биз учун энг катта бахтдир»; «Ўзбекистон - келажаги буюк давлат»; «Ҳуқуқий давлатнинг қуроли ҳам, кўзи ҳам, сўзи ҳам - қонундир»; «Кучли давлатдан кучли жамият сари». «Қонун олдида ҳамма баробардир».

Дарҳақиқат, она тилимиз гўзал ва ниҳоятда бой. Унинг бойлиги ва гўзаллигини исботлаш учун биргина «Муҳаббат» деган сўзни олайлик. Севимли ёзувчимиз Ўткир Ҳошимов ўзининг «Дафтар ҳошиясидаги битиклари»да шундай дейди: «Муҳаббат деган сўз ҳамма тилларда бор. Инглизларда - «Лав», немисларда «Лийбе», лотин тилида «Амор», рус тилида «Любовь»... «Любовь к женщине» , «Любовь к матере»... Албатта, барча тилларда бу сўзнинг бир неча ифодаси ҳам бор.

Аммо ўзбек тилида «Муҳаббат» деган сўз шу қадар ранго-ранг маъноларга эгаки, ҳайратда қоласиз! «Ёқтириб қолмоқ», «Кўнгил бермоқ», «Мойил бўлмоқ», «Хуштор бўлмоқ», «Мафтун бўлмоқ», «Севмоқ», «Яхши кўрмоқ», «Ишқ», «Ишқи тушмоқ», «Ишқи боқий», «Севги», «Муҳаббат», «Меҳр» ва ҳоказолар.

Тилимизда кўп афзалликлар мавжуд - равшанлик, аниқлик, ўткирлик, оддийлик, ихчамлик, жозиба, оҳангдорлик, софлик... Шундай ажойиб тил бизга насиб этган. Кимдир ўни онага ўхшатса, бошқа биров Ватан қадар улуғ билади.

Тилимизни қанча таърифласак, шунча оз. Унинг мустақиллигимиз сингари мусаффо бўлиши ҳар биримизга бевосита боғлиқдир. Хоҳ олим бўлайлик, хоҳ ишчи ёки тадбиркор, талаба ёки деҳқон, тилимизни асрашимиз, унинг ўзига хос қонун-қоидаларини мукаммал билишимиз зарур.

Тилшунос олимлар, атамашунос мутахассисларимиз эса ўзбек тил луғатидаги ўзгаришларни ва янгиликларни ўз вақтида изоҳлаб, кенг оммага етказиб борсалар мақсадга мувофиқ бўлур эди.

М.ШОДМОНОВ,
Балиқчи туман прокурори.

• Банкротлик қонуни амалда

КОРХОНА КАСОДГА УЧРАДИ

Ургут туманидаги «Бешкапа» акционерлик жамияти раҳбар К.Бобомуродовнинг нўноқлиги туфайли банкротлик ҳолатига келиб қолди. Энг ачинарлиси, у ерда ишлайдиганларнинг ишдан кўнгли совуди.

К.Сафаров яхши ният билан Самарқанд шаҳрида «Декорация» қурилиш ишлаб чикариш ширкат фирмасини ташкил қилган эди. Аммо, кўп ўтмай фирма қарз ботқоғига бота бошлади.

Фирманинг 1 апрелига қадар кредиторлик қарзлари 134046 сўмни, шундан давлат бюджети олдидаги қарз эса жаримаси билан 161860 сўмни ташкил қилган. Корхонанинг банкрот ҳолатига келиб қолишига сабабчи бўлган фирма директори К.Сафаровга нисбатан маъмурий ҳуқуқбузарликка доир иш қўзғатилиб, мазкур қарорни ижро қилиш Сиёб тумани Давлат солиқ инспекциясига топширилди.

Вилоят прокуратураси «Банкротлик тўғрисида»ги қонуннинг бажарилиши юзасидан доимий равишда текшириш ўтказиб турибди. Текшириш ҳужжатлари ва таҳлиллар шуни кўрсатдики, вилоятдаги бир қатор хўжалик юритувчи субъектлар раҳбарларининг бокимандалик кайфияти, тўлов интизомини бузганликлари, шартнома мажбуриятларини бажармаганликлари окибатида корхоналар ижтисодий ночор аҳволга ва банкротлик ҳолатига тушиб қолган.

Вилоят бўйича жорий йилнинг 1 май ҳолатига кўра корхона ва ташкилотлардан келиб тушиши лозим бўлган тўловлар, яъни бюджет олдидаги қарзлар 2 миллиард 300 миллион сўмни ташкил қилган. Бир сўз билан айтганда, шунча пул давлат хазинасига тушиши керак эди. Вилоятдаги айрим корхона ва ташкилотлар нўноқ раҳбарларининг айби билан ана шу маблағлар хазинага келиб тушмади. Окибатда «Банкротлик тўғрисида»ги қонуннинг 5-моддасига асосан 52 та хўжалик юритувчи субъектларни банкрот деб эътироф этиш тўғрисида вилоят хўжалик судига даъво аризаси киритилган.

Ижтисодий ночор корхоналар ишлари кўмитасининг вилоят ҳудудий бошқармаси «Астра-гарант» масъулияти чекланган жамиятни банкрот деб эътироф этиш тўғрисидаги вилоят хўжалик судига ариза билан мурожаат қилади. Жамият банкрот деб эътироф этилади. Ушбу иш вилоят прокуратураси томонидан ўрганиб чиқилганида «Астра-Гарант» жамияти халқ истеъмол молларини харид қилиш учун «Тадбиркорбанк»нинг шаҳар бўлими билан шартнома тузиб, 2 миллион сўм қисқа муддатли кредит олиб, ўз вақтида қайтара олмагани учун кредит фоизлари 3,4 миллион сўмни ташкил қилганини аниқлади. Ушбу жамиятнинг ноқонуний хатти-ҳаракатлари юзасидан жиноят иши қўзғатилди.

Айрим «ишбилармон»лар «корхона ўзимники, хоҳлаган ишимни қиламан» деб ўйлаб, тўлов интизоми ва ўзаро ҳисоб- китоблар тўғрисидаги қонунларга зид ишлар қилишади. Бунга Самарқанд шаҳридаги «Лочин» хусусий ишлаб чиқариш фирмаси директори Х.Ўзбоев фаолияти мисол бўлади. Вилоят прокуратураси текшириш ўтказганида «Лочин»нинг кредиторлик қарзлари бир ярим миллионга яқинлашгани аниқланди.

Раҳбар - жамоанинг карвонбошиси. Карвонбоши ақлли, тадбиркор бўлмаса, карвон ора йўлда қолиб кетади. Бу ҳам бозор қонуниятидир.

И.АҲМЕДОВ,
Самарқанд вилояти прокуратураси умумий назорат бўлими бошлиғи.

«БОШЛАГАН ИШИМИЗНИ ОХИРИГА ЕТКАЗАМИЗ»

(Давоми. Бошланиши 2-бетда).

жазога тортишни ўзларининг асосий вазифалари деб ҳисоблаб, жиноятнинг олдини олиш ва унинг содир этилишига йўл қўймаслик масалаларини унутиб қўйганлар.

Бу борада диққатингизни прокуратура томонидан ўтказилган текширишда аниқланган бир ҳолатга қаратмоқчиман.

Вилоятда 1999 йилнинг 5 ойи давомида жиноятларнинг салкам бешдан бир қисми муқаддам судланганлар томонидан, ишламайдиганлар, вояга етмаганлар ва ичкиликка ружу қўйган шахслар томонидан содир этилган.

Энди яна бир ҳолатга аҳамият беринг: вилоятда ИИБ ходимлари томонидан муқаддам судланган шахсларнинг 12,5 фоиздан кўпроғи устидан маъмурий назорат ўрнатилган. Ваҳоланки, вилоят бўйича расмий жиҳатдан маъмурий назорат ўрнатилиши мумкин бўлган судланганлар сони бу рақамдан бир неча баробар ортиқ.

Агар, 21 та туман ва шаҳарда ўртача ҳар бир ИИБда камида 10 тадан участка нозирлари бўлса, ўтган 5 ой давомида улар томонидан бор-йўғи 160 нафар муқаддам судланган шахслар устидан маъмурий назорат ўрнатилган ва фақат 406 нафар муқаддам судланган шахс фойдали меҳнатга жалб этилган, холос.

Ёки, вилоят бўйича 311 нафар ҳеч қаерда ўқимайдиган ва ишламайдиган вояга етмаганлар бўлишига қарамасдан, уларнинг атиги 46 таси фойдали ишга жалб қилинган. Вилоятда сурункали алкоголизмга мубтало икки мингдан зиёд шахс ҳисобга олинган бўлишига қарамасдан, 5 ой давомида ички ишлар ходимлари томонидан ана шундай 529 та шахс мажбурий даволанишга жўнатилган, холос.

Келтирилган рақамлардан кўриниб турибдики, жиноят содир этишга мойил шахслар маъмурий идоралар, тегишли ташкилотлар диққат марказидан четда қолган. Бу эса улар томонидан содир этилган жиноятлар сонининг ўтган йилнинг шу даврига нисбатан ўсишига олиб келган. Вилоят прокуратурасининг ташаббуси билан ўтказилган мувофиқлаштирувчи йиғилишнинг асосий мақсади ҳам юқоридаги салбий ҳолатларнинг олдини олишга масъул бўлган идора ва ташкилотлар ҳаракатини бирлаштириш ва бир мақсадга йўналтириш бўлди, десам хато қилмайман.

Мухбир: Мана, 1999 йилнинг биринчи ярим йиллиги ҳам охирлаб қолди. Айтинг-чи, шу вақтгача юқоридаги салбий ҳолатларни бартараф қилиш, унинг олдини олиш бўйича тегишли ишлар амалга оширилдими, бу йўналишда амалда ижобий ўзгаришлар бўладими?

А. Азляров: - Бу ҳолатларнинг олдини олишга қаратилган амалий ишлар май ойидан бошлаб олиб борилаётганлигини назарга олсак, қисман бўлса ҳам ижобий ўзгаришлар бўлиши, ҳеч бўлмаганда юқорида санаб ўтилган жиноят содир этишга мойил бўлган шахслар томонидан жиноятларнинг содир этилишининг камайишига эришишимиз мумкин, деб ҳисоблайман.

Президентимизнинг 9 майни Хотира ва қадрлаш куни деб эълон қилишиниши муносабати билан чиқарган амнистия тўғрисидаги Фармони бўйича бугунги кунда кўплаб маҳкумлар авф этила бошланди. Энди ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимларининг ўз ишларига янада масъулият билан ёндошишлари тақозо этилади. Токи биронта ҳам авф этилган шахс жиноят кўчасига қайтмаслиги керак. Шунинг учун озод қилинганлар ва муқаддам судланган шахслар устидан тегишлича маъмурий назорат ўрнатиш, уларни бандлик хизматлари орқали ишга жойлаштириш ва паспорт бўлимида ҳисобда туриш (прописка) масалалари назоратга олинмоқда.

Алкоголизмга мубтало бўлган шахсларни мажбурий даволашга жўнатиш, уларга нисбатан прокурорлик таъсир чораларини кўллаб, «қисман муомалага лаёқатсиз» деб топиш ҳақида судларга даъво аризалари киритиш йўлга қўйилди. Жамоат жойларида спиртли ичимликлар ичиш билан шуғулланаётган ёки хонаки усулда спиртли ичимликлар тайёрлаётган ва сотаётган шахсларни аниқлаб, маъмурий жавобгарликка тортиш тартибга олинди. Ишламай ва ўқимай юрган, вояга етмаганларни ишга жойлаштириш, ҳуқуқбузарлик содир этган вояга етмаганларнинг ота-оналарига нисбатан қонун кучи билан таъсир ўтказиш, муттасил ичкилик ичишга мубтало бўлиб, бола тарбияси билан шуғулланмайдиган ота-оналарни ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш ҳақида даъво аризалари қўзғатиб судга бериш, умуман иш билан банд бўлмаган шахсларни бандлик хизмати орқали ишга жалб қилиш ва жиноятчилик ҳолатига таъсир этувчи бошқа омиллар бўйича амалий ишлар олиб борилмоқда.

Ҳозирда бу йўналишда озми-кўпми ишлар бажарилди. Биз бу бошлаган ишларимизни охирига етказишга бор кучимизни сарф қиламиз.

Мухбир: Мажлисда кўтарилган масалаларнинг амалга ошиши ва ижобий натижа бериши кўпроқ кадрларга боғлиқ. Уларнинг тажриба ва малакасини ошириш бўйича қилинаётган ишлар аҳволи қандай?

А. Азляров: - Бу масала вилоят прокуратураси раҳбариятининг доимий диққат марказида. Сир эмас, вилоят прокуратураси тизимида кўплаб ёш ходимлар ишламоқда. Шундай экан, биз етук, малакали кадрларга эга бўлиш учун аввало, ёшларнинг тажрибасини оширишимиз зарур.

Шу сабабли вилоят прокуратурасида доимий равишда амалий семинар-машғулотлари ўтказиб келинмоқда. Прокурорлик фаолиятининг барча йўналишлари бўйича вилоят прокуратурасининг раҳбарлари, бўлим прокурорлари жойларга чиқиб, амалий ёрдам кўрсатмоқдалар.

Бу ишлар келажакда ўзининг ижобий натижасини беради, деб ўйлайман.

М.ДУСИЯРОВА
суҳбатлашди.



Бухоро шаҳар Давлат солиқ инспекцияси яқинда ушбу янги бинода иш бошлади.

(Давоми. Бошланиши 2-бетда).

ўтирганларга қарата шундай дебди: «Токи зиёфат тугагунга қадар кимда-ким гапи бўлса барчага эшиттириб гапирсунлар, агар кимда-ким эшиттирмай сўзлагудек бўлса боши дорда, мулки талонда бўладур».

Зиёфатнинг қайсидир кунида жаҳонгирнинг кўнгли бағоят шод бўлиб кетганини кўриб турганлардан бири иккинчисига «Амиримизнинг бунчалар шодлигини мен ҳеч кўрмаган эдим, агарда буни боисини сўрасак не дер экан», деган экан, иккинчиси, «нима деб сўрармиз», дебди. Шунда биринчиси «Амирим, мана, оламнинг ярмини олдингиз, қаёққа қарамайлик, сизнинг байроғингиз ҳилпираб турибди, бу мартабага кўпроқ кимнинг ёрдамида эришдингиз, кимдан кўпроқ хурсандсиз», деб савол бермоқчи бўлиб турганида, буни сезиб қолган жаҳонгир ўлтириш шартини бузганлиги учун ҳар иккисини жаллодга топширибди.

Шунда «гуноҳхорлар» жаҳонгирга ялиниб, болалари кўплигини айтиб, раҳм қилишни сўрабдилар. Жаҳонгир уларнинг гуноҳидан ўтибдию, не сўзладингизлар, деб сўрабди. «Айбдор»лар юқоридаги саволини бермоқчи бўлганларини айтишибди. Жаҳонгир уларнинг саволига қисқа қилиб «Менга кўпроқ душманларим ёрдам қилди, мен кўпроқ улардан хурсандман», дебдилар.

Жаҳонгир ўзининг бу жавобидан ўтирганлар таажжубланаётганини сезиб, шундай дебдилар: «Ҳа, менга душманларим катта ёрдам қилди, улар мен сезмаган, кўрмаган камчиликларимни очиқ айтиб турдилар, мен уни илғаб

ҲАҚИҚАТНИ АЙТИШДАН ЧЎЧИМАЙЛИК

олиб, тездан тузатиш чораларини кўрдим, адолат қилдим, ваҳоланки, сизлар менинг хато-камчиликларимни кўриб-билиб туриб оғиз очмадингизлар, хушомаддан нари ўтмадингизлар», дебдилар...

Шўролар тузуми даврида биз олган тарбия, очкўзлик, мансабпарастлик, лаганбардорлик ва сохта шуҳратпарастлик, юлғичлик, порахўрлик каби разил иллатлар вужудимизни ҳали тарк этгани йўқ. Бизнинг мустақиллигимизга ана шу иллатлар жуда ёмон таъсир қилиб, доғ туширмоқда. Айрим мансабдорларимизнинг халқдан узоқлашиб қолаётгани, эл дардини билмаслиги, билсалар-да, ундан кўз юмаётганлари бугунги кунимизнинг оғриқли нуқтасига айланмоқда.

Айрим калтабинлар бутун айбни ёшларга тўнкаб, аслида уларнинг маънавиятини, ахлоқ-одобини ўзлари бузаётганликларини яширмоқчи бўладилар. Ёшлар орасида содир этилаётган оғир жиноятларнинг, қотиллик, шафқатсизлик сабаблари, илдизлари қаерда? Чет эллардан келтирилаётган зўравонлик, фоҳишабозлик, талончилик ва ҳоказоларни тарғиб этувчи кассеталар, видеокинолар ана шу иллатлар онаси эмасми? Эл-юртни бузадиган бундай зарарли видео маҳсулотларни сотиб, доллар тўплаётган очкўз мунофиқларнинг ўз хотинлари, қизлари, ўғиллари ёки яқинлари вақти келиб бузуқ йўлларга кириб кетмайди, деб ким кафолат бера олади? Наҳотки, буни ана шундай кимсалар ўйламасалар?!

Худосизлар даври деб аталган собиқ империя даврида ҳам бундай ишкаллик келиб чиқишига сабаб бўладиган ва уни тарғиб қиладиган шахслар жавобгарликка тортилар эди. Афсуски, бу иллатларга қарши, уни тарқатувчи виждонсиз, имони заиф, нафс балосига гирифтор бўлган шахсларга қарши жиддийроқ курашиш сусайгандек.

Бугунги куним роҳату фароғатда, айшу ишратда ўтса бас, эртага оламни сув босса ёки ўт кетса менга нима, деб юрган «манқурт»лар орамизда озми?

Мен юқорида гўзал маънавиятимизга путур етказаётган иллатларнинг айримлари ҳақида сўз очдим, холос. Энди икки оғиз ижтимоий масалаларга тўхталиб ўтмоқчиман.

Фарзандларимизнинг ножўя, нотўғри йўлларга кириб, айрим мунофиқлар қўйган тузоққа илиниб қолаётгани сабабларидан яна бири бу ишсизлик-бекорчиликдир. Ҳурматли Президентимиз саноатни, иш ўринларини қишлоққа олиб чиқинг ва яна олиб чиқинг, деб бекорга куйинмаяптилар. Юртбошимизнинг узоқни ўйлаб айтаётган бу гаплари ва режаларига етарли эътибор берилаяптими? Бир оғиз сўз билан, йўқ, етарли эмас, деб айтса бўлади.

Қишлоқ хўжалигида яхши ниятлар билан амалга оширилаётган фермерлик ҳаракатининг самараси қандай? Ўндан бир фермернинг иши фойда бермоқда, деб айтиш мумкин. Афсуски, кўпчилик 10-15 гектарлаб жамоат ерини эгаллаб, етарли назорат бўлмаганидан ўз ҳамёнларини тўлдириш билан банд бўлмоқдалар. 100-150 хонадон эгалари қорнини тўйғазиб келаётган 10 гектар ер, эндиликда 1-2 ёки 3-4 оиланинг фаровонлигини таъминлаяпти, холос!

Буни ўзларини «олим» деб юрган айрим сохта «мутахассислар» ҳам жуда яхши биладилар. Аммо нима сабабдандир лом-мим дегилари келмаяпти. Шу масалаларни ҳам фақат юртбошимиз айтишини кутиб туришимиз керакми?

Ишсизлик ёшларимиз орасида илдиз отишига йўл қўймаслигимиз керак. Қўмита аъзолари билан барча маҳалладаги ҳар бир хонадонни ўрганиб чиқдик. 100 хонадонда 73 нафар ишсиз ёшлар борлиги аниқланди.

Булардан ташқари, бир неча ёш аёлларни уй бекасига чиқариб юбордик. Аслида бундай қилишимиз ҳам тўғри эмас, сабаби улар ҳам жамият учун ишлаб, қариганда давлатдан пенсия олиши керак. Ўзингиз ўйлаб кўринг, 100 хонадондан 73 та ишсиз чиқса, 104 минг аҳолиси бўлган туманимиз бўйича қанча бўлади?

Булардан ташқари, туманда ҳар йили ўрта мактабларни 800-900 нафар йигит-қиз битириб чиқади. Уларнинг маълум қисми ўқишга киради, қолганлари иш топса яхши, топмаса...

Бунинг чораси борми, деб сўралса ҳа, бор деб жавоб беришга тайёрмиз. Чораси шуки, туманимизда Туркия давлати билан ҳамкорликда қурилган «Антекс» корхонасини ишга тушириш ва қўшимча ишчи ўринлар ташкил қилиб бериш ҳақида туманимиз ҳокимига талабнома бердик. Бу масалага ҳам ижобий жавоб олганимиз йўқ. Қуруқ насиҳатлар билан иш битмайди. Ёшлар ҳаммамизнинг фарзандларимиз, уларга ишлаб ўз турмушларини тебратадиган даражада имконият яратиб берайлик. Ватанимиз тақдири, келажаги шуларга қолади.

Бир ёқадан бош чиқарсак, жамиятимиз келажагини ўйласак ҳар қандай муаммони ҳал қилса бўлади.

Садриддин ҚАМБАРИДДИНОВ,
Булоқбоши туманидаги «Олмазор» маҳалла қўмитаси раиси.

• *Прокурор назорати*

ТАРҚОҚЛИККА ҚАРШИ... ҲАМКОРЛИК КЕРАК

Ҳар йили баҳор ойларида бозорларда балиқ савдоси билан шуғулланувчи хусусий шахслар пайдо бўлиб қолади. Очиғини айтганда, бизни кўпроқ улар эмас, балки балиқ қизиқтиради. Узумини еймизу боғини суриштирмаймиз. Қонун ҳимоячилари эса уларнинг фаолияти замирида қандай сир-синоат борлигини яхши билишади. Тошкент вилоят прокуратураси умумий назорат бўлимининг бошлиғи Баҳтиёр ҲАСАНОВ билан суҳбатимиз шу мавзу доирасида борди.

- Баҳтиёр ака, аввало битта саволга аниқлик киритсак. Хусусий шахслар балиқ савдоси билан шуғулланишлари мумкинми?

- Йўқ, мумкин эмас. Чунки Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарорига мувофиқ балиқ заҳираларига, балиқ овлаш ва сотишга давлат монополияси ўрнатилган. Табиий бойликларимиз - олтин ёки нефтни бозорда сотиб бўлмаганидек, хусусий шахсларнинг балиқни ҳам бозорга чиқариб сотишлари таъқиқланади.

- Демак, мен ҳаваскор балиқчи сифатида бирорта сув ҳавзасидан овлаган балиқларимни фақат истеъмол қилишим мумкин?

- Шундоқ. Юқорида айтилган қарорга кўра ҳар бир фуқаро истеъмол учун қармоқ билан фақат 5 килограммгача балиқ овлаш ҳуқуқига эга.

- Бозорларда ноқонуний балиқ савдоси ҳамон давом этаётгани сир эмас. Бундай «бизнес» «тегирмонига сув қуяётганлар» кимлар деб ўйлайсиз?

- Шубҳасиз, браконьерлар. Афсуски, кейинги пайтда уларнинг фаолияти бирмунча жонланиб қолгани кузатилаяпти.

Уларнинг танобини тортиб қўядиган назорат идоралари, қонун бор-ку. Масалан, табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси...

- «Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида»ги қонун бор. Бу қонун ижроси устидан давлат назорати маҳаллий ҳокимият органлари, табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси ва бошқа назорат олиб борувчи идоралар зиммасига юклатилган. Назорат механизми аниқ. Ҳамма гап шундаки, бу механизм ёмон ишлаяпти.

- Бундай нуқсон, сизнингча, нималарда кўринади?

- Лўнда қилиб айтганда, тарқоқликда. Ҳайвонот дунёсини, хусусан, балиқ заҳираларини ҳимоя қилишда, браконьерларга қарши курашда бу ишга масъул маҳаллий ҳокимият, ИИБ, СЭС, табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси, солиқ идоралари, вилоятдаги Сирдарё сув ҳавзалари давлат назорлигига қарашли «Сретенко» таянч бўлинмасининг бошлари қовушмаяпти. Мутасадди раҳбарлар масъулиятини кучайтириш зарур. Улар фаолиятидаги тарқоқликка барҳам берилмас экан, браконьерлар ҳамма жойда ўзларини эркин ҳис этиб юраверадилар.

- Прокуратура бу йўналишда нималар қилаяпти?

- Қонун ижроси устидан прокурор назорати йўлга қўйилган. Аммо назоратнинг таъсирчанлигини таъминлашимиз керак. Юзаки текширувлар, қоғозбозликлар замони ўтди. Ҳозир энг муҳими - натижа, самара. Биз шунга интилаяпмиз. Зеро, қонуннинг талаби ҳам шу.

Яқинда Бекобод шаҳар, Бекобод туман ҳокимиятлари, ИИБ, табиатни муҳофаза қилиш минтақавий қўмитаси, давлат солиқ идораси, СЭС, туманда жойлашган Сирдарё сув ҳавзалари давлат назорлигига қарашли «Сретенко» таянч бўлинмаси фаолиятини яна бир карра ўрганиб чиқдик. Кўзга ташланган жиддий камчиликлар нималардан иборат? Биринчидан, бу - соҳани мувофиқлаштириш, иккинчидан, бошқарувни ташкил этиш талабга жавоб бермайди. Қонунчилик ижросини таъминловчи тадбирлар йўқ. Қисқаси, ҳамкорлик кўринмайди.

Бундай вазиятда, албатта, браконьерлар, ноқонуний балиқ савдоси билан шуғулланувчи жисмоний шахслар ўзларини эркин сезадилар. Прокуратура ходимлари СЭС, ИИБ билан ҳамкорликда Бекобод шаҳар ва туман бозорларида рейд ўтказганларида бунга амин бўлдилар. Биргина махсус рейдда Бекобод шаҳар марказий бозорида бир қанча фуқаролар рухсатсиз балиқ сотаётгани аниқланди. Улардаги балиқлар мусодара этилиб, ҳуқуқбузарларга нисбатан маъмурий чоралар кўрилди. Шуниси ачинарлики, бозорларда балиқ маҳсулотлари билан савдо қилиш учун санитария талабларига жавоб берадиган шарт-шароитлар яратилмаган.

Шаҳардаги «Финлар» посёлкасида махсус балиқ бозори фаолият кўрсатмоқда. Бу бозор яширин балиқ бизнеси учун қулай жойга айланиб қолган. Аммо шу пайттача унинг фаолияти қонунийлигини кўриб чиқиш ваколатли идоралар эътиборидан четда қолмоқда.

Сирдарё қирғоқларида ўтказилган тунги рейдларда эса ўнлаб фуқаролар қармоқ ва тўрлар билан балиқ овлаётгани аниқланди. Улар билан тушунтириш ишлари олиб борилди.

Ёки, Чиноз туманида прокуратура ходимлари ўтказган рейд- текширув натижаларини олайлик. Рейд чоғида 16 нафар фуқаро тирик балиқ билан, 14 нафар фуқаро дудланган балиқ билан ҳужжатсиз савдо қилаётганига гувоҳ бўлдик. Ҳуқуқбузарлар МЖтКнинг 166-моддаси тартибида маъмурий жавобгарликка тортилди.

- Балиқларга қирон келтираётган браконьерларга қарши курашда Сирдарё сув ҳавзалари давлат назирлиги марказий ўрнини эгаллаши керак эмасми?

- Бу назирлик курашнинг марказида туриши керак, албатта. Бироқ унга ҳам мадад бериб туриш лозим, ахир. Битта фактни айтиб ўтай. Ҳозир ҳаддидан ошган баъзи браконьерлар балиқ овлашнинг яна бир ваҳшиёна турини ихтиро қилганлар. Мен электрқармоқларни назарда тутаяпман. Бундай хатарли ов қуроли-дарёларда балиқларни қириб юборишга олиб келмоқда. Буни «Сретенко» таянч бўлинмаси мисолида ҳам айтиб ўтиш мумкин. Лекин, афсуски, бўлинманинг браконьерларга қарши қатъий кураш олиб боришга чоғи келмаяпти. Сабаби - бўлинмада атиги битта назир ишлайди, ҳудуд эса катта. Биз унинг иш шароити билан қизиқдик. Маълум бўлишича, назирлик учун ҳатто бино ҳам ажратилмаган, техник жиҳозлар ва транспорт воситаларини сақлаш учун махсус жой йўқ. У алоқа ва бошқа зарур техник воситалар билан таъминланмаган. Бундай шароитда браконьерларга қарши қандай қилиб самарали кураш олиб бориш мумкин?

Менинг назаримда, назирлик ишини тубдан қайта ташкил этиш зарур. Гап табиатни, ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ҳақида борар экан, биз бу борада кучни ҳам, маблағни ҳам аямаслигимиз зарур. Бу ишга табиатни асраб-авайловчи, фидойи кишиларни жалб этиш, уларга ҳар томонлама ёрдам бериш мавриди келди. Чунки келажак авлодга биз мусаффо табиатни, жамики балиқларни мерос қилиб қолдиришимиз шарт. Эртага афсусланмаслик учун инсоний бурчимизни шу бугундан кечиктирмай адо этишимиз керак.

Суҳбатдош: Б.НАЗАРОВ.



Бирлашган миллатлар ташкилотининг атроф-муҳит бўйича дастури (ЮНЕП) ва халқаро ЮНЕСКО ташкилотларининг маълумотларига кўра XX асрнинг охирига келиб, ер юзидаги инсонлар ҳаётига тажовуз солаётган уч асосий омиллардан бири - атроф табиий муҳит ҳолатининг ёмонлашуви, сўнгра қуролли тўқнашувлар ва кенг кўламда тарқалаётган касалликлардир.

МУҲИМ ҚЎЛЛАНМА

Экологик муаммоларнинг олдини олиш ва ечимларини топиш учун мутахассислар ўз навбатида уч асосий масалани ҳал қилишни таклиф этаётирлар: 1) давлатнинг экологик бошқарув ва назорат тизимини йўлга қўйиш; 2) экологик онг ва маданиятни шакллантириш; 3) экологиялаштирилган технологияларни кенг тадбиқ қилиш.

Экологик онг ва маданият ёки экологиялаштирилган технологияларни оммавий равишда ҳаётга татбиқ қилиш ўз-ўзидан амалга ошмайдиган жараён бўлиб, у давлат ва жамиятнинг бир неча ўн йиллар мобайнида изчил экологик бошқарув ва назорат тизимини йўлга қўйиш орқали юзага келиши мумкин. Ўзбекистон учун давлатнинг экологик бошқарув ва назорат тизими аввало, халқаро экологик принципларга асосланган миллий қонунчиликни ҳаётга татбиқ этиш механизмини ишлаб чиқишни ва шу асосда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг мукаммал назоратини амалга оширишни тақозо этади.

Экологик қонунларнинг назорати прокуратура иш фаолиятига бевосита боғлиқдир. Афсуски, Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 12 та моддаси, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодекснинг 32 та моддасида экологик жавобгарлик турлари алоҳида боблар қилиб берилишига қарамасдан, табиий объектлар бузилиши, ифлосланиши ва камайиб бориши тўхтагани йўқ. Булар эса ўз навбатида экологик тадбирларнинг самарадорлигига салбий таъсир кўрсатиб, аҳолининг табиат олдидаги масъулияти сустлашишига олиб келмоқда. Бундай долзарб муаммони ёритиб берувчи услубий кўрсатмалар ва процессуал ҳуқуқий адабиётлар экология ҳуқуқи соҳасидаги мутахассислар учун етарли даражада деб бўлмайди.

Т.Мирзаевнинг «Ўзбекистонда экология муаммолари ва прокурорлик назорати» мавзусидаги китоби юқорида қайд қилинган ҳуқуқий экологик муаммолар ечимини топишга ёрдам берувчи илмий асарлар туркумига киради. Чунки, муаллиф мамлакатимиз юриспруденцияси тарихида илк бор экологик муаммолар моҳиятини жуда кўп статистик маълумотлар шарҳи асосида қиёсий ва тарихий солиштирув услубиятини қўллаган ҳолда ёритиб берган. Китобнинг 1-бобида муаллиф миллий хавфсизликнинг ажралмас бўлаги - экологик хавфсизлик элементлари - ер, сув ва атмосфера ҳавосининг ифлосланиши сабаб ва оқибатлари, ҳуқуқ-тартибот борасида эришилган ютуқ ва камчиликлар тавсифини берган.

II бобда муаллиф Ўзбекистонда экология муаммоларини ҳал қилишнинг сифат жиҳатидан янги таҳлилини илгари сурган. Табиатни муҳофаза қилиш, хусусан ер, сув ва атмосфера ҳавосининг ифлосланиши ва бузилишини аниқлаш, тавсифлаш борасида прокурор фаолияти ва меъёрларининг тизими, унинг тадрижий белгиларини таклиф қилган. Прокурор назорати тушунчаси ва унинг фаолият йўналишлари оммабоп тарзда ва мисоллар орқали батафсил кўриб чиқилган. Амалдаги қонун меъёрларининг бажарилиши юзасидан прокурорнинг умумий назоратини такомиллаштиришнинг долзарб йўналишлари илмий асослаб берилган. Китоб муаллифининг энг катта ютуқларидан бири шундаки, Президентимиз томонидан ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ходимлари олдига қўйилган вазифаларни ва миллий хавфсизликни таъминлаб берувчи экологик масалаларни прокуратура назорати остида ҳал қилишнинг мумкин бўлган йўллари тақдим қилинган.

III бобда муаллиф прокурор назоратини ишлаб чиқаришнинг ўзига хос томонлари, минтақавий ва маҳаллий ижтимоий-иқтисодий ва табиий хусусиятларини инобатга олган ҳолда амалга оширишни таклиф қилган.

Ер, сув ва атмосфера ҳавосини ҳуқуқий муҳофазалашни таъминлаб беришда прокурорлик назоратини амалга оширишнинг услубий тавсиялари билан бойитилган ушбу қўлланма нафақат ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ходимларига, балки атроф табиий муҳитни муҳофазалаш вазифаси юклатилган ҳар бир ходим учун ҳам амалий-услубий қўлланма бўлиб қолади.

А.НИҒМАТОВ,
Ўзбекистон Республикаси ИИВ академияси профессори, география фанлари доктори.

• Ё алҳазар!..

НОБАКОР ОТА

Кимдир умр деб аталмиш бебаҳо неъматнинг ҳар бир дақиқасидан унумли фойдаланиб қолишга, эл-юрти, халқи, яқинларининг оғирини енгил қилишга, ортидан яхши ном қолдириб кетишга интилади. Ёши ўтган сайин охиратини ўйлаб, савобли ишларга кўл уришни истайди.

Лекин, баъзилар эса... Халқимиз уларга баҳо берганда «қариб қуйилмаган» дея жуда тўғри баҳо берган экан. Китоб туманида яшовчи, ёши 76 га бориб қолган Саид Маҳкамов ҳам ёшига ярашмаган хурмача қилиқлари билан маҳаллага танилган эди. Яъни, у кунаро спиртли ичимлик ичиб уйига келар, арзимаган баҳоналарни рўкач қилиб, турмуш ўртоғи билан жанжаллашарди. Хонадони, қўни-қўшнилари учун оддий ҳолга айланиб қолган шундай жанжаллардан бири қотиллик билан тугади.

Ёзнинг иссиқ кунларидан бирида аркдан чанқоғини босиб уйига қайтган Саид бобо хотинига қарата: «Нега ҳар куни ичиб келади деб менинг устимдан маҳаллакўмга арз қилдинг? Нима учун уйни ўғлингнинг номига ўтказмоқчи бўлаяпсан? Нима, уйни бутунлай ёқиб юборишимни истаяпсанми?» дея ўшқиради. Тинчлантиришга ҳаракат қилган Наима момонинг гапларига эса қулоқ ҳам тутмайди. Саид бобо айтганини қилиш учун оғилхонага бориб, бир челакни тўлдириб солярка олиб чиқади. Соляркани уйга сепмоқчи бўлаётганда хотини челакни унинг қўлидан тортиб олиб, тўкиб ташлайди. Бундан жаҳли чиққан Саид бобо қаердандир қўлига илашган болта билан хотинининг дуч келган жойига уради...

Ниҳоят, атрофга сачраган қонларни кўриб, ажал талвасасида ётган хотинининг инграшларини эшитиб, ақли жойига келгандай бўлади. Қилган ишидан юраги орқага тортиб кетади. Шу аҳволда қайларгадир қочиб кетмоқчи бўлиб, кўчага югуради. Кўчада эса одам зоти кўринмас, атроф сув сепгандек жимжит эди. Саид бобо узоққа қочиб кетолмаслигини, қўлга тушиб қилмиши фош этилишини ўйлаб, уйга қайтади.

Ҳозиргина соляркадан бўшатилган челакни яна тўлдириб чиқади. Сўнг, ҳушсиз ҳолда ётган Наима момонинг устига, уйнинг дуч келган жойига солярка сепиб, гугурт чақади ва воқеа жойидан яширинади.

Кучли ёнғин натижасида оғир аҳволда ётган Н.Маҳкамова жон таслим қилади, уй ва хоналардаги буюмлар эса ёниб кулга айланади.

Жиноят содир этилган шу куннинг ўзида қилинган сўроқ жараёнидаёқ С. Маҳкамов жиноятига иқрорлик билдириб, юз берган воқеани бутун тафсилоти билан гапириб, жиноят қуроли бўлган болтани яшириб қўйган жойидан топиб беради. Унинг барча кўргазмалари видеотасвирга ёзиб олинади.

Аммо суд жараёнида С.Маҳкамов қилмишига иқрорлик билдирмай, хотинини ўлдирмаганлигини, уйини эса тўрт нафар номаълум шахслар келиб ёқиб кетганлигини билдириб, аввалги кўргазмаларини рад этади. Лекин, воқеа жойида тузилган баённомалар, видеотасвирлар, гувоҳларнинг кўргазмалари ва бошқа ашёвий далиллар билан унинг айби тўлиқ исботланади.

Суд жиноятчининг қилмишига одилона баҳо бериб, унинг ҳаракатларидаги оғирлаштирувчи ва енгиллаштирувчи томонларни ҳисобга олган ҳолда тегишли жазога ҳукм этди. Болалари, неваралари одобга чақириши, уларни яхши одатларга ундаши керак бўлган нобакор ота ёмон одати туфайли озодликдан маҳрум этилди.

Хушмамат БЕКМУРОДОВ,
Китоб туманлараро прокурори.
(исм-фамилиялар ўзгартириб берилди).

• Бу ҳақда Олий Мажлиснинг XIV сессиясида гапирилган эди

МАЛАКАЛИ КАДРЛАР ТАРАҚҚИЁТ ГАРОВИ

Дарҳақиқат, юртбошимиз ҳақ гапни айтиб ўтдилар. Бугунги кунда ёшларимиз тарбиясига эътибор бериш, уларни етук мутахассис қилиб тайёрлаш, ҳуқуқий билимларини ошириш алоҳида аҳамият касб этади.
Хўш, республикамизда ҳуқуқшунос кадрлар тайёрлашда асосий бўғин ҳисобланган Тошкент Давлат юридик институтида кадрлар тайёрлаш жараёни қандай кечмоқда? Бу борада мухбиримиз институтнинг ўқув ишлари бўйича проректори М.РУСТАМБОЕВ билан суҳбатлашди.

Президентимиз Ислом Каримов таъкидлаганидек, биз фарзандларимизнинг баркамол руҳий дунёси учун, уларнинг маънавий-ахлоқий жиҳатдан етук, жисмонан соғлом бўлиши учун доимо қайғуришимиз, курашмоғимиз зарур. Бу, биз педагоглар учун ҳам дастурий вазифа ҳисобланади.

Талабаларга аниқ фанларни, замонавий компьютерларда ишлашни хорижий давлатларда ёки бу давлатларнинг вакиллари ёрдамида ўргатиш мумкиндир, аммо она юртга муҳаббат, она заминни таниш ва эъзозлаш, унинг ҳимояси учун ҳамиша тайёр туриш туйғусини фақат шу юртдагина, шу юрт фидойилари кучи билангина шакллантириш мумкинлигини исботлаб ўтиришнинг ҳожати бўлмаса керак.

Зиммамиздаги асосий вазифа ёш авлод тарбиясига алоҳида эътибор қаратиб, энг аввало, уларда ватанпарварлик, Она Ватанга садоқат, меҳр-оқибат, саховатпешалик, илм-маърифатга интилиш, ҳалоллик каби хислатларни тарбиялашдан иборат, деб ўйлайман. Чунки келажак, Ватан тақдири уларнинг қўлидадир.

Қабул қилинган «Таълим тўғрисида»ги қонун ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастури бевосита бизнинг институтимиз фаолиятида ҳам дастуруламал бўлиб хизмат қилмоқда. Институтимиз раҳбарияти мазкур қонун талабларидан келиб чиққан ҳолда талабаларга билим бериш учун қобилиятли ва муносиб профессор-ўқитувчиларни танлов асосида жалб этиб, ўқув жараёнини такомиллаштириш борасида бир мунча хайрли ишларни амалга ошириб келмоқда.

Битирувчиларимиз турли тармоқларда, шу жумладан, республиканинг ҳуқуқ-тартибот органларида фаолият олиб борадилар. Ҳозир бундай идоралар малакали ҳуқуқшунос кадрларга муҳтож. Шуни ҳисобга олиб, сўнгги йилларда институтимиз профессор-ўқитувчилари томонидан таълим тизимини жаҳон стандартлари даражасига олиб чиқиш, ўқув жараёнини ҳар томонлама такомиллаштириш борасида бир қатор тадбирлар амалга оширилмоқда. Кўплаб янги ва замонавий ўқув дастурлари, дарсликлар яратилди. Бакалавриат ва магистратура босқичларида ўқитиладиган янги дарс режалари ишлаб чиқилди. Бир сўз билан айтганда, институтимиз жамоаси ҳукуматимиз томонидан олий таълим тизими олдига қўйилган барча талабларни бажаришга қодир. Чунки, бугунги кунда биз ҳар томонлама жавоб берадиган юқори малакали педагог мутахассисларга эгамиз. Ҳар кунги фаолиятимизда биз уларнинг тажрибасига суянган ҳолда ишлаймиз.

– Маълумки, ҳаётдаги ҳар қандай янгилик муаммолар келтириб чиқаради. Сизларни қийнаётган муаммолар нималардан иборат? Бу муаммоларни ҳал этиш учун нима қилиш керак деб ўйлайсиз?

– Албатта, ҳар қандай янгиликни амалиётга тадбиқ этишда баъзи бир муаммолар учраб туради. Гарчи бундай мураккабликлар учраб турса-да, бундай ҳолларда биз ички имкониятларимиздан кенг фойдаланган ҳолда уларни бартараф қилиш чораларини ўз вақтида кўриб келмоқдамиз.

Илм-фан, техника, технологиялар тез суръатларда ривожланиб бораётган бугунги шиддатли замонда ўқитувчи бу жараёнлардан, умумий тарзда бўлсада, хабардор бўлмаса ҳаётдан орқада қолиб кетади. Менинг назаримда, ўқитувчи олий даргоҳда ўн-ўн беш йил бурун олган билимлари билан чекланиб қолиши керак эмас. У янги замонавий билимлар соҳиби бўлиши ҳам лозим. Шунинг учун ҳам Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурида малака ошириш ва мутахассисларни қайта тайёрлаш масаласига алоҳида аҳамият берилган. Аммо ўқитувчи бунга қўшимча равишда ўз соҳасидаги илмий ютуқлар ва ижтимоий ҳаётда бўлаётган ўзгаришлардан доимий хабардор бўлиб турмаса, ўз устида ҳар кун, ҳар соат, ҳар дақиқа мустақил ва муттасил ишламаса, у чин маънодаги замонавий олий даргоҳнинг ўқитувчиси бўлиши қийин.



Ўқитувчи менинг назаримда, фақат ўз фани доирасидагина ўралашиб қолмасдан, бошқа фанлар муаммоларидан ҳам бохабар бўлмоғи мақсадга мувофиқ. Чунки, талаба ёшларимизнинг дунёқарашлари кундан-кунга кенгайиб бормоқда. Айрим ҳолларда талабалар дарс жараёнида ўқитувчиларга шу қадар мураккаб саволлар билан мурожаат қиладиларки, айрим ўқитувчилар жавоб беришга қийналиб қолганларига гувоҳи бўламиз. Биз ўз устида мустақил ишламайдиган, шу куннинг талабларига жавоб бера олмайдиган ўқитувчилардан халос бўлиб, уларнинг ўрнини имкон қадар ҳаётий тажрибага эга бўлган, амалиётда бевосита ишлаб, ўз билимдоираларини назарий жиҳатдан бойитган ходимлар ҳисобидан тўлдиришга астойдил киришганмиз.

– Институтдаги таълим тизимини такомиллаштириш учун қандай ишларни амалга ошириш лозим, деб ўйлайсиз? Сизнинг таклифларингиз?

– Биринчи навбатда ўқитувчи ва талаба ёшларнинг дунёқараши, маънавий онгини шакллантиришни тубдан ислоҳ қилишимиз лозим.

Юртбошимиз ҳақ гапни айтиб ўтдилар: «Ўзбек миллатининг, ўзбек фарзандларининг қобилият, зеҳн-заковат, тиришқоқлик борасида бошқа ҳеч бир миллат ёки халқдан қолишадиган жойи йўқ. Фақат мавжуд интеллектуал имкониятларимизни тўлиқ ишга солишимиз, улардан мукаммал тарзда фойдалана билишимиз зарур».

Иккинчидан, ёш авлоднинг билим савиясини ошириш, уларни юқори малакали мутахассис қилиб тайёрлаш лозим.

> ***«Биз олдимизга қандай вазифа қўймайлик, қандай муаммони ечиш зарурати туғилмасин, гап охир-оқибат барибир, кадрларга ва яна кадрларга бориб тақалаверади. Муболағасиз айтиш мумкинки, бизнинг келажагимиз, мамлакатимизнинг келажаги ўрнимизга ким келишига ёки бошқачароқ айтганда, қандай кадрлар тайёрлашимизга боғлиқ».***
> Ислом КАРИМОВ.

Бу ўринда институтимизда ўқитиш жараёнини такомиллаштириш борасида қуйидаги таклифларимни айтиб ўтмоқчиман:

* Ўқув жараёнини шу куннинг талабаларига жавоб бера оладиган янги замонавий асбоб - ускуналар, яъни компьютер техникаси воситалари билан тўла жиҳозлаш;
* лингафон хоналарини ташкил қилиш;
* радио - телевизион қурилмалар билан таъминлаш;
* профессор-ўқитувчиларнинг талаба ёшлар билан якка тартибда ишлашини таъминлаш;
* институт кутубхонасини чет мамлакатларда чоп этилган илғор илмий - ўқув адабиётлар ва даврий нашрлар билан доимий равишда тўлдириб бориш;
* институт профессор-ўқитувчиларининг малакасини доимий равишда ошириб бориш мақсадида уларнинг чет мамлакатларда бўладиган илмий-назарий конференцияларда қатнашишларини таъминлаш, илғор мамлакатларнинг таълим-тарбия соҳасидаги тажрибаларини ўрганишни жорий қилиш;
* дарсликларни давр талаби асосида мунтазам равишда янгилаб бориш;
* ёшлар тарбиясига алоҳида эътибор берган ҳолда тегишли мутахассислар, адабиёт ва санъат намояндалари билан мунтазам равишда учрашувлар ўтказиб, уларнинг фаолиятлари билан танишиш ва келажакда алмашинган тажриба асосида талаба ёшларга билим беришни янада кенг такомиллаштиришни йўлга қўйиш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблайман.

«Ҳуқуқ» мухбири
Меҳри БОЛЛИЕВА суҳбатлашди.

• *Қонун ва ижро*

МАСЪУЛИЯТСИЗЛИКНИНГ БАҲОСИ ҚАНЧА?

Қишлоқ хўжалигида ҳам ислоҳотларни ҳар томонлама чуқурлаштириш долзарб вазифалардан биридир. Негаки, мамлакат иқтисодий қудратининг ошиб бориши, эл турмушининг янада фаровон бўлиши шу соҳанинг изчил ривожланиши билан чамбарчас боғлиқ. Хукуматимиз ана шу мақсад йўлида, айниқса деҳқонларимизнинг қўл меҳнатини енгиллаштириш, иши унумли ва сифатли бўлиши учун қатор амалий тадбирлар кўраётир.
Республика Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 25 февралда қабул қилган «Импорт қишлоқ хўжалик техникасидан фойдаланишни яхшилаш юзасидан кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ҳам бу йўналишдаги фаолиятни янада такомиллаштиришга хизмат қилмоқда.

Ёки бир жамоада хориж техникасидан фойдаланишдаги нуқсонлар ҳақида

Кейинги пайтда хорижда ишлаб чиқилган замонавий техника воситаларини далаларимизда тез-тез учратиш мумкин. Ҳамма жойда ҳам қимматбаҳо хориж техникасидан оқилона фойдаланилаяптими? Улар узоқ муддат бекор туриб, ишдан чиқиб, қолмаяптими? Мутасаддилар улар устидан етарли назорат қилаётирми?

Урганч шаҳар прокуратураси ана шу саволларга жавоб топиш учун ва қарорнинг жойларда аниқ ижро этилиши юзасидан назорат тартибида текшириш ўтказганида баъзи жамоаларда бу муҳим ҳужжат талаблари етарли даражада бажарилмаётганлиги аниқланди.

Урганч шаҳар ҳудудида жойлашган вилоят таъминот ва техник хизмат кўрсатиш маркази хориждан лизинг тўлови асосида олинган техникалар билан вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси таркибидаги хўжаликларга хизмат кўрсатиш учун ташкил қилинган. 1996 йил октябр ойида лизинг шартномаси асосида марказга 1998 йил октябрда 8 дона, яна бир йилдан сўнг 8 дона - жами 173861 минг сўмлик «Класс» русумли дон йиғиш комбайнлари олинганди.



Х.ЖУМАНИЁЗОВ
Урганч шаҳар прокурори, адлия маслаҳатчиси

1997 йил октябрида 6 дона «Близзард-85» русумли ер ҳайдаш тракторлари, 6 дона дискали плуглар, 1998 йил ноябрида «Янмар» русумли дон йиғиш комбайнлари, кейинги 2 йилда 13 дона шолини қайта ишлаш техникаси, ҳаммаси бўлиб 232743 минг сўмлик хориж техникаси воситалари келтирилди. 1997 йил октябр ойида Японияда ишлаб чиқилган «Янмар» русумли комбайн ҳам синаб кўриш учун олиб келинган. Кўриниб турибдики, ҳар бир техника баҳоси анча юқори. Лекин, деҳқон меҳнатини енгиллаштириш мақсадида харид қилинган техникалардан тўғри фойдаланмаслик, масъулиятсизлик ҳоллари содир бўлаяптики, бунга лоқайд қараб бўлмайди.

Ваҳоланки, мазкур қарорда мураккаб импорт техникаларидан оқилона, самарали фойдаланиш шартлиги қатъий белгилаб қўйилган. Бироқ, марказ раҳбарлари томонидан ушбу техникалардан унумли фойдаланиш, уларнинг соз ишлашини таъминлаш, пуллик хизмат кўрсатиш борасида ўтган уч йил мобайнида бизнес режа тузилмаган. Бундан ташқари, мазкур техника воситаларини бошқарувчи шахсларга мавсумий хизмат кўрсатиш режа топшириқлари ёзма равишда етказилмаган ҳам.

Марказда иқтисод, ҳисобкитоб ишлари тўғри ташкил этилмаганлиги оқибатида 1996 йил 8 та «Класс» русумли ўришянчиш комбайнида 5130 минг сўмлик, 1997 йил эса 35136 минг сўмлик иш бажарилган. Рақамлар шуни кўрсатаяптики, «Класс» русумли битта комбайннинг иш унумдорлиги белгиланганидан анча паст. Ўтган йили битта комбайн билан ўртача 231 гектар майдондаги шоли ҳосили янчилган бир вақтда Қаҳрамон Шарипов, Абдулла Рўзматов бошқарган комбайнларда мавсум давомида бор-йўғи 21 гектардаги шоли янчилганлиги қимматбаҳо техникадан унумли фойдаланилмаётганлигидан далолат беради.

Яна рақамларга мурожаат қилайлик. Ўтган йил «Янмар» русумли 7 та комбайнда шоли ўриш мавсумида 390 гектардаги ҳосил йиғиб олиниб, 2631 минг сўмлик хизмат кўрсатилган. Мавсумда бир комбайннинг ўртача иш унумдорлиги 55,7 гектарни ташкил қилган, холос. 1997 йил келтирилган «Янмар» русумли 1 дона комбайнидан эса ўтган йили умуман фойдаланилмаган. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Марказ раҳбарлари жамоада шу йўналишдаги фаолиятни тўғри йўлга солиш ўрнига камчиликларни турли баҳоналар билан хаспўшлашдан нарига ўтмадилар.

Ҳайдов тракторларидан унумли фойдаланишни жиддий назорат қилиш раҳбарият томонидан ўз ҳолига ташлаб қўйилган. Масалан, М.Ҳасанов, И. Рўзметовлар ўзларига бириктирилган тракторларда бир йил давомида атиги 228-164 гектар ер ҳайдаганликлари ачинарли ҳолдир.

Яна шуниси ташвишланарлики, баъзи техника воситаларининг умри бекор ўтмоқда. Лизинг тўлови асосида марказга келтирилган 7 миллион 192 минг сўмлик 13 дона шолини қайта ишлаш машиналаридан шу бугунгача деярли фойдаланилмаган. Ваҳоланки, бу машиналар учун марказ лизинг шартномаси бўйича хорижий давлатларга 947 минг сўм пул тўлаши лозим.

Таъминот ва техник хизмат кўрсатиш маркази 1997 йилда хорижий фирмалар билан ҳисоб-китоб қилиш учун ҳамкорлик марказига 10957 минг сўм, ўтган йили эса 29016 минг сўм тўлаш кераклиги белгиланган. Бироқ, вилоят таъминот ва техник хизмат кўрсатиш маркази бу ҳақдаги шартнома талабларини чалакам-чатти бажарди. Яъни, 1997 йилда тўланиши лозим бўлган 957 минг сўм пул эса ҳамкорлик марказига шу кунгача тўланмаган. Ўзаро ишонч йўқолган жойда иш юришмаслиги аниқ.

Текшириш натижаларига кўра, йўл қўйган камчиликлари учун марказ раҳбари ва бош ҳисобчига нисбатан интизомий ҳамда маъмурий ҳуқуқбузарликка доир иш қўзғатилди. Бундан ташқари, уларнинг хориж техникасидан самарали фойдалана билмаганликлари натижасида Марказга етказилган зарарни ундириш бўйича судга даъво аризаси киритилди.

Кўриниб турибдики, раҳбарнинг масъулиятсизлиги, жамоат мулкига нисбатан бўлган лоқайдлик жиддий салбий ҳолатларни келтириб чиқаради. Қишлоқ хўжалигида ислоҳотларни чуқурлаштириш ҳаёт тақозоси. Бу вазифани замонавий техникасиз рўёбга чиқариб бўлмайди.

Давлатимиз катта маблағлар эвазига чет эл мамлакатларидан келтираётган қишлоқ хўжалиги техника воситаларига муносабатни кескин ўзгартириш зарур.

• *Табиат ҳимояси прокурор назоратида*

ТЕКИН ДАРОМАД КЕЛТИРАР НАДОМАТ

Гиёвандлик -иллат. Айниқса, кейинги пайтларда ана шу оғунинг домига илиниб, унинг ортидан мўмайгина даромад орттирмоқчи бўлган кимсалар тез-тез учраб тураётгани ташвишли ҳолдир. Қуйи Чирчиқ тумани прокуратураси ҳамда туман ИИБ ходимлари томонидан гиёвандликка қарши курашда кескин чоралар кўрилмоқда. Гиёвандликка қарши олиб борилаётган «Қора дори-99» тадбири ҳам ўз натижасини бермоқда.

Жорий йилнинг шу давригача гиёвандлик жинояти содир этган беш нафар шахс жавобгарликка тортилди. Жумладан, туманнинг «Ўзбекистон 5 йиллиги» жамоа хўжалигида яшовчи фуқаро Раҳматилла Худойбердиев муқаддам судланган бўлишига қарамай, яна қинғир йўл билан тирикчилик қилиш пайига тушиб қолди. Унинг уйидан жами 2 килограммдан зиёдроқ гиёванд моддамарихуана топилди. Шунингдек, Беруний номли хўжаликда яшовчи С.Саидовдан ҳам 310 грамм марихуана ашёвий далил сифатида олиниб, бу шахсларга нисбатан жиноят иши қўзғатилди.

Маълумки, Республика гиёванд моддаларни назорат қилиш комиссиясининг низомига асосан, кўкнори ўсимлиги наркотик воситалар турига киритилган. Бироқ айрим ҳолларда фуқароларнинг ушбу ўсимлик турини ўз томорқаларида етиштираётганлиги аниқланмоқда.

Беруний номли жамоа хўжалигида яшовчи фуқаро Ёқуб Маликов муқаддам томорқасида 100 туп кўкнори ўсимлиги етиштирганлиги учун судланган эди.

Бироқ бу жазо унга сабоқ бўлмаган экан. Шу йилнинг 13 май куни унинг томорқаси текширилганда 600 туп кўкнори ўсимлиги ўсиб турганлиги аниқланди. Бу йил 61 ёшни қарши олаётган отахон айни набираларига панднасиҳат қиладиган ёшида иккинчи бор суднинг қора курсисига ўтирадиган бўлди.

Ачинарлиси шуки, кўкнори етиштирганлар орасида аёллар ҳам бор. Ҳамза номли жамоа хўжалигида истиқомат қилувчи С.Қодирова, Абай» номли жамоа хўжалигида яшовчи А.Ботирова, Дўстобод шаҳридан Х.Қўшбоқова, «Ўзбекистон» жамоа хўжалигидан М.Ҳамидоваларнинг томорқаларида 20 тупдан 40 тупгача кўкнори ўсимлиги борлиги аниқланиб, йўқ қилинди.

Шуни таъкидлаш жоизки,кўпчилик ҳолларда фуқаролар ушбу ўсимлик турини даволаш воситаси сифатида экаётганини таъкидлашади. Бироқ юқорида айтганимиздек, кўкнори ҳам таркибида гиёванд моддаси бор ўсимлик турига киритилган. Шунинг учун бу ўсимликни экиш, етиштириш қонун билан таъқиқланишини унутмаслигимиз керак. Акс ҳолда текин даромад умидида надомат чекиб қолмайлик.

ДАРАХТЛАР ЭГАСИЗ ЭМАС

Табиатни асраш, ўсимлик дунёсини муҳофаза этиш ҳар бир фуқаронинг виждоний бурчидир. Бироқ, ана шу бурчга нисбатан тўғраларча муносабатда бўлаётганлар ҳам учраб турибди.

Туман прокуратураси томонидан ўтказилган табиатни муҳофаза этиш қонунчилигининг жойлардаги ижросини текшириш натижасига кўра бир нечта қонун бузилишлари аниқланди.

Шу йилнинг 12 апрел куни туман Дала-тажриба базаси директори А.Эрматовнинг топшириғи билан тажриба участкасидаги 13 туп заранг ва 14 туп терак дарахтлари кесилган. Бу иш туман ҳокимлиги ҳамда табиатни муҳофаза этиш идорасининг рухсатисиз ўзбошимчалик билан қилинган. Бунинг оқибатида кўрилган зарар эса 1 миллион 328 минг сўмдан зиёдни ташкил этади.

Туман прокуратураси томонидан А. Эрматов ҳамда бошқа масъул шахсларга нисбатан жиноий иш қўзғатилди.

Шунингдек, туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлимининг сув бўлиш тармоғида назоратчи бўлиб ишловчи У.Давлатов ҳам ҳеч қандай рухсатсиз 23 туп те-рак дарахтини кесиб, номаълум шахсларга сотиб юборган. Аниқланишича,ҳар бир дарахтнинг ёши 30-40 йилни ташкил этган. Эндиликда унга нисбатан жиноий иш қўзғатилиб, суриштирув ишлари олиб борилмоқда.

Усимлик дунёсига нисбатан хўжасизларча муносабатда бўлиш ҳам қонун билан жазоланади.Шу жумладан, яшил бойлигимиз бўлган дарахтлар ҳам эгасиз эмас.

Юқоридагидек ҳолатларнинг келиб чиқишига биринчи навбатда, мавжуд қонунларни билмаслик,уларга нописандлик билан қараш каби иллатлар сабабчи бўлаётгани ачинарли ҳолдир. Бунинг учун жойларда тушунтириш ишларини олиб бориш,аҳоли ўртасида ҳуқуқий мавзуларда учрашувлар ўтказиб туриш мақсадга мувофиқ бўлар эди.Ана шунда ҳеч бир фуқаро қонун олдида «Мен бундайлигини билмаган эдим»,дея мулзам бўлиб қолмас эди.

Жалолиддин ИСРОИЛОВ,
Қуйи Чирчиқ тумани прокурори.

• *Ҳажвия*

СОВЧИЛАР



Дўппидеккина ҳовли. Ҳамма ёқ саранжом-сариштa. Йигирма-йигирма бир ёшлардаги ўғил бола чап қўлини белига қўйиб, ҳафсала билан ҳовли супураяпти. Шу пайт ҳовли эшиги тақиллаб, «Салтанатбону» деган овоз келади. Ҳовлини супураётган бола ўзини ичкарига олади ва онасига «Совчилар келишди» дейди. Боланинг онаси совчиларни қарши олиб, уларни ичкарига бошлайди. Совчиларнинг бири қўл очиб, дуо қилади. Ҳолаҳвол сўрашгач, биринчи совчи гап бошлайди.

1-совчи: - Эгачи, сизда бир булбул, бизда бир гул бор экан. Биз шу гул билан булбулни қўшиш учун қулчиликка келдик, ўргилай. Адашмасам, биз кирганда ҳовли супуриб юрган йигит биз умидланиб келган булбул бўлсалар керак, шундайми?

Салтанат: - Адашмадингиз, айланай, адашмадингиз.

2-совчи: - Умри узоқ бўлгурни исми-жисмига монанд, ҳалимдеккина бола экан. Сочлари ҳам сийраккина экан, бирор институтда ўқийдими, дейман?

Салтанат: - китобхўр, айланай, китобхўр. Пединститутнинг иккинчи курсида ўқийди. Шунга уйлантиришга эртами, деб юрибман. Уч-тўрт марта совчилар келишди. «Ўғлим ўқишини битирсин» деб қайтариб юбордим. Уйланиб, болали бўлгач, уйдан чиқолмай, ўқиши чала қолиб кетади-да, айланай.

1-совчи: - Вой, эгачи, ўқиб шаҳар олиб берармиди?! Буёғидан ғам еманг, айланай. Худо хоҳласа, куёв қилиб олганимиздан кейин қизимизнинг ўзи ўқитиб олади. Қизим ҳам ўқиганларни яхши кўради.

Салтанат: - Айбга буюрмайсиз, айланай. Келиншавандамиз нима иш қиладилар?

1-совчи: - Ишбилармон, эгачи, ишбилармон. Бозорнинг чангини чиқариб юборган. Бу томони Хитой, у томони Эмират Ҳиндистон. Кўзини бойлаб қўйинг, адашмай бориб келади. Нақд юз килогача юкни шундоқ елкасига ташлайди-ю, чайқалмай юриб кетаверади. Эй, ўғлингизни зарга кўмади, ўргилай, зарга. Ҳеч нарсага зориқмай яшайди.

Салтанат: - Қизингиз бирор институтни битирганми?

2-совчи: - Ман, холаси бўламан. Ўзим бозоршуносликни битирганман. Қўрқманг, дипломини ҳам олиб келганмиз. (Биринчи совчига имлайди). Опа, кўрсатинг! (Биринчи совчи сумкасидан дипломни кўрсатади). Ишондингизми?

Салтанат: - Ишонишга ишондим-ку-я, лекин, нимага бирорта корхонада ишламайди?

1-совчи: - Вой, ўзимдай содда экансиз-ку, ўргилай. Ҳозир корхонанинг берган маоши билан эрни боқиб бўларканми? Бозорни этагини тутиб бировдан кам бўлаётгани йўқ. Ўғлингизнинг бахти кулгани шу-да! Ё, бундан ортиғига уйлантирмоқчимисиз?

Салтанат: - Эй, йўғ-е! Хотини топармон-тутармон бўлганига нима етсин. Уйлантирсак, сизнинг қизингиздан ортиғига уйлантирармидик. Бизлар рози.

2-совчи: - (Қўлини фотиҳага кўтаради). Икки ёш қўша қариб, ували-жували бўлишсин. Биз шуларнинг роҳатини кўриб юраверайлик! Омин. ... Энди, айбга буюрмайсиз, эгачи. Эскиларимиз мол олсанг ҳам, у ёқ-бу ёғига қараб ол, деган. Биз куёв олаяпмиз-ку, ахир. Узоқдан кўриш бошқа, яқиндан кўриш бошқа. Куёвшавандани бир чақиринг, кўрайлик, суҳбатини олайлик.

Салтанат: - Қандоқ бўларкин, эгачи, уялтириб қўймаймизми?

1- совчи: - Бирор нарсани баҳона қилиб чақиринг!

Салтанат: - Ҳалимжон, болам, битта иссиқ чой олиб кир!

Ҳалимжон чой кўтариб кираркан, ўтирганларга ийманибгина салом беради. Салтанат ўғлининг қўлидан чойнакни оларкан, бурнини жийиради:

- Бошингни яна қатиқ билан ювдингми?

Ҳалимжон: - Шампун сочимни тўкиб юбораяпти-ку, ойи.

Салтанат: - Яхши, қани, бирпас бизлар билан ўтир.

Ҳалимжон: - Вой, қандоқ бўларкин! Мен катта уйни супураётган эдим.

Ҳалимжон чиқиб кетади.

1-совчи: - (2-совчига қараб) Қизимизга жуда мос экан-да, а? (Сўнг Салтанатга қараб) ўғлингиз пиширib-куйдиришни биладими? Эр уйнинг одами, пишир-куйдирни билса яхшида. Хотин хориб-чарчаб келганда, унинг олдига ширин-ширин овқатларни қўйса, юзи ойдек очилиб кетади.

Салтанат: - Ўғлимнинг қўли гул, айланай, гул! Суюқдан - тухум қайнатишни, қуюқдан - картошка қовуришни дўндириб қўяди. Супур-сидир, кир ювиш, қозон-товоқ ювишда унинг олдига тушадиган йўқ. Баъзан, дадаси билан мусобақалашса, ўзиб кетади. Ёш-да. Дазмол босишга бир оз қўли келишмайди-да. Бошига тушгандан кейин ўрганиб кетар.

2-совчи: - Тикиш-бичишга ҳам қўли келадими?

Салтанат: - Вой, шуям ўғил бола учун иш бўлибдими? «Уйланганингдан кейин қайнонангдан гап эшитиб юрма», деб дадаси ҳаммасини ўргатганлар, айланай.

1-совчи: - Куёв бизга ҳам маъқул тушди, эгачи. Бизлар ҳам рози.

2-совчи: - Бўлмаса, икки ҳафтадан кейин тўй. Тайёргарликларингизни кўраверинглар! Қани, омин!


Совчилар ўрниларидан қўзғалишди.

Салтанат: - Ўтирсаларинг бўларди, қудалар?! Ўғлим картошка қовураётган эди. Куёвларингизнинг қўлидан...

Совчилар: - Раҳмат, эгачи, бундан буён бир оёғимиз шу ерда. Ҳали кўп картошка еймиз...

Илҳом ЗОЙИР.

КРОССВОРД



Бўйиға: 1.Қуёш системасидаги сайёра. 2.Илмий-оммабоп маълумотнома. 3.Қирғиз халқ эпоси. 4.Моддий таъминлаш учун мажбурий тўланадиган маблағ. 5.Яман Халқ демократик республикасининг пойтахти. 6.Ватикан давлатининг пул бирлиги. 7.Спорт иншооти. 8.Қувур 9.Тиниш белгиси. 10.Покистоннинг 1961 йилгача 1/16 рупияга тенг чақа пули. 17.Ундан тайёрланган суюқ таом. 18.Жаҳон киноюлдузларига бериладиган олий мукофот. 20.Кураш тури. 21.Ҳаммомга кирганда белдан пастини беркитадиган мато. 23.Энг узун дарё. 24. Овал кесимли металл. 27. Юқори сифатли чой номи. 28. Ўзбек халқ шоири, драматург. 29. «Дохунда» романи автори. 30. Япониядаги шаҳар. 31. А.Қаҳҳор романи. 32. Касаллик номи. 34. Ҳозирги замон бенгал прозасининг асосчиси. 37. Қимматбаҳо тош.38.Химиявий элемент.40.Европадаги давлат пойтахти. 41. Мулкни ҳақ эвазига вақтинча фойдаланишга бериш. 43. Ўғилнинг каттаси. 44. Хавфли ўсма касаллиги. 46. Россиядаги мухтор республика. 47. Республикамиздаги вилоят. 51. Номга доғ туширадиган иш. 52. Мусиқали театр асари. 53. Полиз экини. 54. Аёллар бош кийими. 55. Голландиянинг кучли футбол жамоаси. 57. Вақт бирлиги. 58. Пардоз воситаси. 59. Электр токи унга томон йўналади.

Энига: 1. Вокал-чолғу асари. 5. Фикрлаш ва тушуниш қобилияти. 8. Тинч океанининг жанубий - ғарбий қисмидаги давлат. 11. Зод, зурриёд. 12. Италиянинг таниқли футбол жамоаси. 13. Ҳажми катта, йирик асар. 14. Оловнинг зарралари. 15. Кавказдаги миллат. 16. Молларга ичириш учун сувга ун солиб тайёрланган овқат. 17. Далил, исбот. 19 Ширинлик тури. 22. Эллада, Грециянинг шарқона номи. 25. Юқори қисми гумбаз қилиб ясалган дарвоза. 26. Худога бўлган ишонч. 28. Ислом динини яхши билган олимларнинг умумий айтилиши. 32. Тантана ўтказиш учун белгиланган кун. 33. Миллий курашимиздан 1-жаҳон чемпионати ғолиби исми. 35. Ўсимликнинг гул ғунчаси. 36. Илмий даража. 39. 19-асрда яшаган ўзбек шоири ва тарихчиси. 42. Нигерия пул бирлиги. 45. Узунлик бирлиги. 48. Хорижга чиқиш учун бериладиган рухсатнома. 49. Тошкент вилоятидаги шаҳар. 50. Самарқандда ишлаб чиқарилаётган музлатгич номи. 53 Денгиз номи. 56. Материалларга босим билан ишлов берадиган машина. 58. Ҳинд эстрада юлдузи. 60. Камерун пойтахти. 61. Электр энергиясини механик энергияга айлантиришда ишлатиладиган буюм. 62. Раҳбар аёл. 63. Йўлга солиб бориш, бошқариш. 64.Жўн, оддий. 65. Миллий чолғу асбоби. 66. Кўп мамлакатларда йил ҳисобининг боши.

Тузувчи: Самижон МАМАДАЛИЕВ.

КРОССВОРД ЖАВОБЛАРИ

9 июнь, 23-сон:

Энига: 1. Граит. 3. Парламент. 7. Волида. 8. Кофир. 9. Наво. 10. Из. 12. Уссури. 14. Уд. 15. Йил. 16. Нина. 17. Чит. 20. Стоун. 21. Санам. 23. Лион. 25. Нил. 26. Ишва. 27. Ўлка. 31. Титаник. 32. Арвоҳ. 33. Ордер. 35. Асаб. 37. Можор. 39. Кўл. 41. Адир. 42. Туя. 44. Акт. 45. Сел. 46. Уруш. 47. Афина. 48. Олмон. 50. Ялдо. 51. Ифор. 52. Адлер.

Бўйига: 1. Гринвич. 2. Навоий. 4. Ардус. 5. Муовин. 6. Тарида. 11. Зидан. 13. Смокинг. 14. Унвон. 18. Ис. 19. Танк. 22. Мил. 23. Лазер. 24. Дўстлик. 28. Асака. 29. Баҳор. 30. Акобир. 32. Армия. 34. Данте. 36. Садаф. 38. Жаброил. 40. Ўпка. 43. Улоқ. 45. Садо. 46. Умид. 47. Адо. 49. Ля.

23 июнь, 25-сон:

Энига: 1. Афанди. 6. Набира. 9. Жакарта. 10. Тоза. 13. Сочи. 16. Дарра. 17. Асака. 18. Рапира. 20. Ром. 22. Фармон. 24. Қасам. 27. «Оскар». 30. Эркин. 32. Мадор. 33. Осмон. 34. Тоҳир. 35. Диана. 36. Иклим. 38. Камон. 40. Вилла. 43. Қомат. 46. Бостон. 49. Бир. 51. Катион. 54. Ирода. 55. Амир. 56. Анор. 57. Нина. 59. Абердин. 60. Қарсак. 61. Асорат.

Бўйига: 1. Астар. 2. Афт. 3. Ижара. 4. Акбар. 5. Ёрдам. 6. «Насаф». 7. Или. 8. Армон. 11. Одина. 12. Зар. 14. Ока. 15. «Чарос». 19. Ака. 21. Оҳак. 23. «Она». 25. Сим. 26. Мадраса. 27. Олмалиқ. 28. Кун. 29. Рақобат. 30. Эртак. 31. Норин. 35. Дил. 37. Мум. 39. Мали. 41. Ибо. 42. Латин. 44. Олтин. 45. Асо. 46. Балиқ. 47. Оро. 48. Норак. 49. Балет. 50.Оранда. 51. Кинна. 52. Ари. 53. Нажот. 56. Аср. 58. Акр.

Мустақиллик ҳуқуқ демакдир

Ҳуқуқ
ЮРИДИК ГАЗЕТА

Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида № 00150 рақам билан рўйхатга олинган.

ТАЪСИСЧИЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Прокуратураси, Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти прокуратуралари, «Қонун ҳимоясида»журнали

Манзил: Тошкент шаҳри, академик Яҳё Ғуломов кўчаси, 66-уй.
Телефонлар: 77-72-25, 133-82-34, 133-63-88.

Бош муҳаррир: Абдуҳолиқ АБДУРАЗЗОҚОВ
Таҳрир ҳайъати: Бўритош Сайфуллаев,Ботир Пўлатов, Дилшод Исломов (масъул котиб), Мэлс Наимов, Лола Шомуротова, Бахтиёр Назаров (Бош муҳаррир ўринбосари), Зайниддин Мамадалиев
А.Маматқулов суратларидан фойдаланилди.
Муаллифларнинг фикри таҳририят фикридан фарқланиши мумкин.Кўчириб босилганда «Ҳуқуқ»дан олинганлиги кўрсатилиши шарт.

«Ҳуқуқ» оригинал макети. Газета PENTIUM - II mmx компьютерида саҳифаланди.
«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонасида босилди. Манзил: Тошкент, Буюк Турон кўчаси - 41. Нусхаси - 18886. Буюртма Г-0493. Бичими А-3.

Навбатчи: Ш.ЁДГОРОВ
1 2 3 4 5 6

Сотувда эркин нархда.
Босишга топшириш вақти: **20.00**
Босмахонага топширилди: **18.00**